БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Ёш ленинчи

1990 йил
18 январь
Пайшанба
№ 13 (13.449).
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

ВЛКСМ XXI съезди делегатлари



Марғилон шаҳар Аврора номли 16-ўрта мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчиси Соҳибахон Жаҳонова 1985 йилда Фарғона педагогика институтини имтиёзли диплом билан тугатиб, ўзи ўқиган мактабга ишга келди. Унинг отаси Жалолхон ака жуғрофия, онаси Ҳабибахон опа бошланғич таълим методикаси, опаси Ёқутхон эса шу мактабда рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлашади. Энди улар сафига Соҳибахон ҳам қўшилди. У дарсларни чуқур системалашган тартибда олиб боради.

Суратда Соҳибахон ЖАҲОНОВА.

* * *

Риштон ноҳия ремонт ишлаб чиқариш корхонаси электр-газ пайвандчиси Ҳалим Қурбонов бу ерда ўн йилдан буён меҳнат қилади. Шу давр ичида у виждонли, ўз ишини яхши билувчи мутахассис сифатида танилди. Ҳозир корхонадагилар унга иш топширишса, билишади: Ҳалил айтганини бажаради.

Суратда: Ҳалил ҚУРБОНОВ.

Аъзамжон МИРЗАЖОН суратлари.



Партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши

16 январь куни Тошкентда республика партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда саноат, транспорт, алоқа корхоналарининг иш якунлари ва мазкур тармоқларни 1990 йилда ривожлантириш вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси М. М. Мирқосимов доклад қилди.

Кенгашда ишлаб чиқаришда интизом ва тартибни таъминлаш, республика коммунистлари, барча меҳнатчиларини бу йилги план топшириқларини сўзсиз бажаришга, уларни юксак самара ва ташаббускорлик билан ишлашга сафарбар қилиш бугунги куннинг энг муҳим даражали вазифаси эканлиги таъкидланди.

Айни 1990 йилда меҳнаткашлар турмуш даражасини яхшилашда реал, сезиларли натижаларга эришиш, республика иқтисодиётини сифат жиҳатидан янги даражага жадал ўтказиш учун имкони бўлган барча чора-тадбирларни кўриш зарурлиги уқтирилди.

Иқтисодиётни ривожлантиришда ижтимоий йўналишни кучайтириш, иқтисодий муносабатлардаги туб ўзгартиришларни илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш билан бирга қўшиб олиб бориш энг муҳим мақсадлар қаторида санаб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба союзлари республика кенгашининг раиси Х. А. Алимова, республика халқ назорати комитетининг раиси Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари У. Қ. Исмоилов, В. В. Сударенков, Ў. Р. Умарбеков, Т. Я. Шарипов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. П. Орешечкин қатнашдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан резолюция қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

Долзарб суҳбат

Тил тўғрисида қонун: ҳуқуқшунос фикри

Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги қонунининг қабул қилиниши тил муаммосини ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шу қонунни рўёбга чиқаришга республика Адлия министрлиги бўлинмалари қандай улуш қўшмоқда? ЎзТАГ мухбири И. АЛИМОВнинг бу саволига Ўзбекистон ССР адлия министрининг ўринбосари Мирзаулуғ Элчиевич АБДУСАЛОМОВ жавоб беради.

— Бизда адлия ташкилотлари ва муассасаларида қонунни амалга ошириш юзасидан махсус комиссия тузилган. Аниқ-равшан тадбирлар режаси тайёрланган. Бу режалар бизга бўйсунувчи барча идораларга етказиб берилган.

Ҳуқуқшунослар — олимлар ва амалиётчилардан иборат муаллифлар коллективи давлат тили тўғрисидаги Қонунга батафсил шарҳларни ҳам тайёрладилар. Бу шарҳларда муайян ҳолларда давлат тилини қўлланиш юзасидан тавсиялар берилган. Ҳукумат комиссияси бу шарҳни муҳокама қилиб, умуман маъқуллади. Тегишли равишда тўлдирилгач, шарҳлар ё вақтли матбуотда, ёки алоҳида нашр этилиб, халқимизга етказилади.

Республиканинг амалдаги қонунларидаги тегишли моддаларни ўзгартириш керак бўлади. Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексига тузатишлар киритиш таклиф қилинди. Жумладан, фуқаролар миллатидан қатъи назар ўз хоҳишларига кўра фарзандларига бобоси ёки отасининг исми шарифини бериши мумкин. Илгари бунга рухсат этилмасди. Ўзбек миллий анъаналарига мувофиқ ота-оналарга ўз фарзандлари исмига «хон», «жон», «бек», «бону», «биби», «ой», «хўжа» ва бошқа сифатларни қўшиш ҳуқуқи ҳам берилади. Отасининг исми ёзилаётганида «ўғли», «қизи», «ий», «зода» сифатларини ҳам қўшиш мумкин. Боланинг исми, отасининг исми, фамилияси, ота-онаeasининг хоҳишига кўра битта ёки бир неча сўз билан ёзилиши мумкин.

Ҳар қандай ёшдаги кишилар ҳам ўз исми шарифларига бундай ўзгартишлар киритишлари мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Бинобарин бола 10 ёшга кирганидан сўнг унинг розилигини олиш талаб этилади, 18 ёшдан эса ҳар бир киши бу масалаларни мустақил ҳал қилади.

Исми шарифига ўзгартириш киритиш учун турар жойдаги ЗАГСга мурожаат қилиш кифоя. Илтимос фақат икки ҳолда, яъни агар мурожаат қилган киши қамалган бўлса, иши судга оширилган бўлса, ёки судланган бўлса, агар бундай ўзгаришларга тегишли давлат идоралари қаршилик қилсалар қондирилмайди.

Исм-шарифларни алмаштириш ва ўзгартириш учун катта сарф-ҳаражатлар бўлишини олдинданоқ айтиб қўйишим керак. ЗАГС ходимлари алоҳида-алоҳида ҳолларда туғилганлик тўғрисидаги, никоҳдан ўтганлик ҳақидаги ва шу каби ҳужжатларнинг дастлабки нусхаларини тиклашлари керак. Шунингдек, илтимос қилган ҳар бир фуқаро суддан ва терговдан, оиласидан ажралиб, фарзандларига нафақа, тўлашдан ва бошқа қонунбузарлик ҳоллари учун масъулиятдан бош тортиб, ғаразли мақсадда исми шарифини ўзгартиришда фойдаланишига йўл қўймаслик учун тегишли давлат идораларининг текшируви ҳам талаб этилади.

Адлия министрлиги юқори идораларга республиканинг амалдаги қонунларини давлат тили тўғрисидаги қонун билан мувофиқлаштириш тўғрисидаги таклифларини юборди. Чунончи, Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик кодекси моддаларидан бирини фуқароларнинг номуси ва қадр-қимматини камситганлиги учун жавобгарлик тўғрисидаги қоида билан тўлдириш назарда тутилади. Бундай камситиш мансабдор шахснинг республика давлат тилини ёки миллатлараро алоқа тилини билмаганлиги сабабли ёзган аризаси, шикояти ёки таклифини қабул қилиш ва қараб чиқишдан бош тортганлигида, деб билинади. Афсуски, бундай ҳолларга йўл қўйилмоқда.

Ҳуқуқшуносларнинг фикрига кўра, республика жиноий кодексига ҳам қўшимчалар киритиш талаб этилади. Унда фуқароларнинг ўзаро алоқада, тарбиявий ишларда, ўқишда тилни эркин танлаш борасидаги қонуний ҳуқуқлари камситилиб, уларнинг номуси ва қадр-қиммати тил билмаслик сабабларига кўра камситилиб, тиллардан фойдаланишда тўсқинлик қилиниб ва чегаралаб қўйилиб, бундай хатти-ҳаракатларга ошкора чақириқлар қилиниб, давлат тили ёки бошқа тилларни менсимаслик ёки унга адоватли муносабатда бўлганлик учун қатъий жазога тортилиш назарда тутилиши керак.

Ва ниҳоят: Давлат тили тўғрисидаги қонунда унинг айрим моддаларини амалда жорий этишнинг турли муддатлари назарда тутилган. Мен бир нарсага алоҳида эътибор беришни илтимос қилардим: ҳар бир ҳолда қонунда шундай дейилган — бир неча йил давомида (бир неча йилдан сўнг эмас). Бошқача қилиб айтганда, бу муттасил давом этадиган ҳаётий жараёндир. Шунинг учун ҳам зарур шарт-шароит етилган жойларда белгиланган муддат тугашини кутиб ўтирмай, ҳозирнинг ўзидаёқ давлат тилини қўлланишга ўтиш мумкин.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар

Уларни комсомоллар кўрсатишди

Жумҳуриятимизда бораётган сайловолди ишларида комсомол ташкилотлари, ёшлар уюшмалари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Шу кунгача комсомол қўмиталари Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб ўзларининг 124 номзодини кўрсатдилар. Улар орасида 101 номзод ўттиз ёшгача, 55 киши эса комсомол аъзоси ҳамда 62 йигит-қиз партия аъзосидир.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси, жойлардаги комсомол ташкилотлари депутатликка номзодларга ўз ҳаракат дастурларини тайёрлашда, уларни тарғиб ва ташвиқ қилишда иш олиб бормоқдалар. Олдинги сайловларга қараганда ёшлар номзодларини кескин курашда ўтиши кутилмоқда. Ёш номзодлар ўзлари сингари 350 номзод билан ўзаро сайловолди баҳсида фаол қатнашадилар. Масалан, Андижон вилоятида ўн ёш номзод — 51 номзод билан, Самарқанд вилоятида 23 номзод — 71 номзод билан, Фарғона вилоятида 16 номзод — 52 номзод билан баҳслашади. Сайлов мавсуми бошлангандан сўнг ҳамма иш яхши бормоқда деб бўлмайди. Номзодлар кўрсатиш даврида партия ташкилотларининг таъсири остида айрим ёшлар кўрсатилмай қолди.

Жумладан, Андижон вилояти Олтинкўл ноҳиясидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» трикотаж фабрикасининг коллективи ёш номзодларни кўрсатиш мақсадида йиғилиш чақирмоқчи бўлиб, сайлов комиссиясига мурожаат қилишди. Лекин йиғилишга ноҳия партия қўмитаси ташкилий ва мафкура бўлимининг мудирлари келишиб тазйиқ ўтказишлари натижасида номзод кўрсатилмай қолди. Шунга ўхшаш воқеа Нукус шаҳар комсомол қўмитасининг пленумида ҳам содир бўлди. Бу ерда бирламчи ташкилотларнинг ўз таклифларига қарамасдан, пленумда раислик қилаётган шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби таклифи қабул қилинди ва Ўзбекистон ССР халқ депутатларига номзод кўрсатилмади. Тошкент олий милиция мактабида эса ҳар хил асоссиз сабабларга кўра, комсомол ташкилотининг таклифига қарши чиқилди, ҳозир бу масалани Марказий сайлов комиссияси вакиллари текширмоқда ва бу ҳақда кейинчалик батафсил ахборот берамиз.

Рўйхатга олиш чоғида ҳам муаммолар бўлмоқда. Жумладан, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ташкилотининг котиби 49-сайлов округи томонидан рўйхатга олинмади. Бунинг сабаби қилиб у ана шу округ ҳудудида яшамаслиги ва ишламаслиги кўрсатилди. Лекин бирлашма бош директори ўртоқ Журавлев номзод сифатида шу округдан рўйхатга олинди. Бундай мисоллар оз эмас.

Сайловолди округ конференцияларини ўтказишда конференцияларга баъзи жойларда паспортлар билан келиш талаб қилинмоқда. Тўғри, бу сайлов комиссияларининг ваколатидаги ишлардир. Лекин комсомол ўз номзодлари учун конференцияларда, йиғилишларда кураша, қатнашса, келажакда ёшлар билан ишлашни яхшилашга тажриба орттирарди. Бундан эса бутун жамиятимиз, шу жумладан, йигит-қизлар ҳам манфаатдор бўларди.

Жумҳуриятимизда халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш поёнига етиб, уларни тарғиб-ташвиқ қилиш ишлари қизғин паллага кирмоқда. Бунда комсомол ташкилотлари ўзлари кўрсатган номзодлар сайловчиларнинг ишончини қозонишига ва улар учун овоз беришига эришиш учун фаоллик кўрсатишлари муҳимдир. Ана шундагина ўз номзодларимиз депутат бўлишига умид боғлаш мумкин.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси ёшлар сиёсати секторининг мудири.

ТАСС ахбороти

Маълумки, вазият ниҳоятда кескинлашиб кетгани муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми 15 январь куни Тоғли Қорабоғ автоном области, Озарбайжон ССРнинг шу областга туташ районлари, Арманистон ССРнинг Горис райони территориясида, шунингдек Озарбайжон ССР территориясидаги СССР давлат чегараси бўйлаб чегара зонасида фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисида фармон қабул қилди.

Асосий тадбирлар қаторида йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ўтказишни тақиқлаб қўйиш, оммавий ахборот воситаларини назорат қилиш, гражданлар ташкилотлари ва ташаббускор уюшмаларининг қонунга хилоф фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки уларни тарқатиб юбориш назарда тутилган. Шунингдек иш ташлашлар тақиқланади, келиш ва кетиш, транспорт ҳаракати чекланади, ҳужжатларни текшириш йўлга қўйилади, гражданлардан, зарур ҳолларда эса корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ўқ отиш қуроли ва совуқ қурол вақтинча олиб қўйилади. Жамоат тартибини бузаётган шахслар 30 суткагача муддат билан ушлаб қолиниши мумкин. Бошқа фавқулодда чоралар ҳам кўзда тутилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фармонни бажариш юзасидан амалий ишга киришдилар. Жамоат тартибини ва гражданларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун бугун республика районларига қўшимча тарзда ички қўшинларнинг 6 мингдан кўпроқ ҳарбий хизматчиси юборилди. Ички ишлар министрлиги қўшинларга ёрдам бериш учун Совет Армиясининг жами сони 5 мингдан кўпроқ бўлган ҳарбий қисмлари юборилди. СССР Ички ишлар министрлиги ва прокуратурасининг оператив тергов группалари тузилди ва жўнатилди. Комендатуралар ва комендантлик участкалари очилмоқда. 49 ғаламис ва ур-йиқит қилган кишилар ушланди. Ҳуқуқ-тартибот соқчиларининг қатъият билан малакали ҳаракат қилишлари туфайли кўпгина одамларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ҳаёт фаолиятининг энг муҳим объектларини, яъни транспорт, корхоналар, аэропортлар ҳимоя остига олинмоқда. Ўғирланган қуролни қайтариб олиш ҳамда ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар содир қилган шахсларни аниқлаш юзасидан чоралар кўрилмоқда. Бокудаги кескин вазият, ур-йиқитлар бўлгани, одамлар қурбон бўлгани муносабати билан ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш маҳаллий кучларига Ички ишлар министрлиги ва Совет Армияси қўшинлари мададга келдилар.

СССР давлат чегарасини қўриқлаш кучайтирилди.

Айни вақтда вазият ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Бундай вазиятда кўпчилик аҳоли ҳокимият органларидан бундан буён ҳам қатъий чоралар кўришни талаб қилмоқда.

СИНОВДАН ЎТСИН

Ҳа, менинг бирдан бир қатъий таклифим шу. Нега энди биз комсомолга тўда-тўда қилиб қабул қилишимиз керак? Нима, ўнглаб бўлмас мажбурият олганмизми? Ачиниб кетасан киши, комсомол сафига қабул қилинаётганларни кўриб ачиниб кетасан. Кўзбўямачилик ҳам эви билан-да.

Истардимки, комсомолга ўтаётган ҳар бир йигит-қиз аввало бир йил номзодлик муддатини ўтасин. Худди фирқа аъзолигига номзодлар сингари. Шундан сўнггина марҳамат. Бу давр ичида эса унинг жамоат топшириқларини бажаришига, ишлаб чиқаришдаги меҳнатга қай тарзда ёндашаётганлиги синовдан ўтказилсин.

Яна бир гап. Хизмат тақозоси билан ҳисобот-сайлов конференцияларининг бир нечтасида қатнашдим. Бу ерда ҳам ўтакетган расмиятчилик. Мажлисларни комсомоллар эмас, балки улардан каттароқ раҳбарлар олиб боришди ва ўзлари хоҳлаганларидек якунлашди. Мана, қаерда комсомолнинг ночорлиги, унга эса тўлиқ ва ҳеч ким ҳалақит бермайдиган мустақиллик керак.

Лазиз ТАНГРИЕВ,
Ангор ноҳияси «Илғор» газетаси редакцияси ва босмахона бошланғич комсомол ташкилотининг котиби.

ТАШАББУС

НАМАНГАН. Вилоят комсомол қўмитаси ташаббуси билан бир гуруҳ фирқа комсомол ходимлари, мактаб ўқитувчилари ва қатор хўжаликлар фаоллари Киев ҳарбий округида хизмат қилаётган наманганлик йигитларни кўриб қайтишди. Бу тадбир учун вилоят комсомол қўмитаси ўз ҳисобидан маблағ ажратди. Унинг бир қисмига ўзбек миллий мусиқа асбоблари, ўзбек тилидаги бадиий-сиёсий, иқтисодий китоблар, рўзнома ва журналлар сотиб олиниб, ўзбек аскарларига топширилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети, вилоят Советига депутатликка номзод қилиб кўрсатилган комсомол ходимлари ва ёшлар учун ўқув семинари ҳамда «Мен депутатликка номзодман» мавзусида ишбилармонлар ўйини ўтказилди. Ёш номзодлар шу куни ўзларини қизиқтирган ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий, ташкилий масалалар бўйича мулоқот қилишди. Масъул ходимлардан маслаҳатлар олишди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Олий Советининг учинчи сессияси 1990 йил 14 февраль куни Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 16 январь.




Изғиринли кунлардаям, дастурхонингда эндигина узилган мева-чевалар турса яхши-да. Истасанг у, ёки бунисидан тановвул қиласан. Танингда енгиллик, роҳат инади.

Жиззах ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалигининг теплицасида ҳамиша тўкин-сочинлик. У ерда етиштирилган сархил мева — лимон, помидор, бодринглар кун-бакун элдошларимизга етказилади. Ҳосилнинг сифатли, мазали етиштирилишида Орзигул Тўраева бошлиқ бригада аъзоларининг улушлари ҳам бор.

Суратда: О. Тўраева йиғган помидорларини кўз-кўз қилаяпти.

Сурат муаллифи У. ҚУШВОҚОВ.



Ҳамма яхши тикувчига югуради. Хушбичим, чиройли ва қоматга ярашиб турган уст-бош кийиб юришни ким истамайди, дейсиз. Онабиби Каримбердиеванинг эса мижозларини санаб саноғига етмайсиз. Қўлигул бу тикувчи Нукус шаҳридаги «Хурлимон» ательесида ёшларга бошчилик қилиб келяпти. Айниқса у миллий кийимларни тикишга жуда уста.

СУРАТДА: О. Каримбердиева.

Ж. ҚОЗОҚОВ сурати.

БОҚИМАНДА БЎЛМАЙ

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Ғузор ноҳиясидаги Карл Маркс номли колхоз хусусий уй қурувчиларни ёғоч-тахта билан таъминлашдек ўткир муаммони бартараф этиб, вилоятдаги хўжаликларга омилкорлик сабоғини кўрсатди. Бунда эса Красноярск ўлкасидаги Новоенисейск ёғочни қайта ишловчи комбинати кўмаклашди. Сибирь дарёси соҳилларидан хўжаликка шу кунгача қарийб минг кубометр ёғоч-тахта етиб келди.

Бунинг эвазига корхонага ишда кўмаклашилди. Уч ой мобайнида йигирма нафар кўнгилли йигит ишчи қўли ниҳоятда етишмаётган комбинатга ишлаб чиқариш программасини бажаришда кўмаклашди. Меҳнат қилганда ҳам астойдил меҳнат қилишди. Уларнинг ҳар бири 2000 сўм ва ундан ҳам кўпроқ пул ишлаб олди. Бу пуллар уларга уй-жой қурилиши билан боғлиқ ўз муаммоларининг бир қисмини ҳал этишда қўл келади.

Энди эса комбинатга колхозчиларнинг иккинчи гуруҳи жўнаб кетди. Хўжалик барча кўнгиллилар учун ёғоч-тахта харид қилишда имтиёзлар белгилади.

Карл Маркс номли колхоздан ибрат олиб, «Партия XXII съезди» номли қўшни колхоз ҳам Новоенисейск комбинати билан шартнома тузди. Бу ерда эса кейинги ойларда ер участкалари олган қарийб 400 оила уй қуради.

Қашқадарё хўжаликлари ана шу йўл билан ҳаммаси бўлиб уч минг кубометр ёғоч-тахта олишади. Кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари ана шундай мураккаб масалани ўз кучлари билан ҳал этиш имкони борлигига ишонч ҳосил қилишди.

ХУШХАБАРЛАР

ЖАЛОЛҚУДУҚ ноҳиясидаги Гоголь номли 34-мактаб ҳисобида ишлаб топилган минг сўмдан кўпроқ пул пайдо бўлди. Ўтган йили яхшигина шафтоли ҳосили олинган мактаб боғи даромад манбаи бўлди. Бундан ташқари, ўқувчилар ўзлари ўстирган терак кўчатларини сотишди. Карл Маркс номли колхознинг уч гектар ерида улар маккажўхори экинини парвариш қилишди. Мавжуд маблағлар мактабни янги ускуналар билан жиҳозлашга сарфланмоқда.

* * *

КАТТАҚЎРҒОНДА суткасига 20 кубметр сувни тозалаб берадиган иншоотларнинг дастлабки навбати ишга туширилди. Оқаваларни тозалаш заводи ҳам ишлай бошлади. Бу Зарафшон дарёсини ифлосланишдан сақлаш йўлидаги дастлабки қадамлардир. Тозалаш иншоотларининг қуввати бундан буён ҳам ошираверади.

* * *

«ҚАРШИСТРОЙИНДУСТРИЯ» бирлашмаси Қаршидаги СССР 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари учун уй-жой қуриб беришни ўз зиммасига олди. Корхона 40 та коттеж барпо этиш учун пул ажратди. Тикувчиларнинг истакларига кўра, уйларнинг ҳовлиси ва зарур қўшимча бинолари ҳам бўлади. (ЎзТАГ).

Хориждан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БУДАПЕШТ. Душанба куни Будапешт шаҳридаги дўконларга кўпгина озиқ-овқат молларини сотиб олишга келган харидорлар яна нарх-наво кўтарилганини кўрдилар. Бу гал бир ҳафта илгари, 8 январь куни бўлганидек нарх-наво у қадар ошгани йўқ. Масалан, Венгриядаги ҳар бир оилага зарур бўладиган 100 граммлаб қадоқланган зиравор кечагина 31,70 форинт турган бўлса, бугун 47,50 форинтдан сотилмоқда.

Чет элдан келтирилган истеъмол моллари, жумладан сигареталар, спиртли ичимликлар ҳам қимматлашди.

Савдо ходимларининг айтишича, ўтган ҳафтада гўшт нархи кўтарилгани сабабли шу яқин орада гўшт консервалари нархи ҳам ошса керак.

НЬЮ-ЙОРК. Америка аҳли душанба куни АҚШдаги негр аҳолиси ҳуқуқлари учун атоқли курашчи Мартин Лютер Кинг туғилган кунни ибодатхоналар қўнғироқларининг занги, тантанали марш садолари, митинглар билан ҳамда бир минут сукут сақлаб нишонлади. Уни 1968 йилнинг 4 апрель куни Теннесси штати Мемфис шаҳрида оқ ирқчи отиб ташлаган эди.

Кинг Жорже штатининг Атланта шаҳрида туғилган ва шу ердаги протестант черковларидан бирида кўп йил хизмат қилган эди, ана шу ибодатхонада тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу маросимда Америкадаги негрлар жамоасининг кўпгина таниқли раҳбарлари иштирок этдилар. Улар ўз нутқларида АҚШ ҳукуматига мурожаат этиб, Кингнинг адолатли жамият тўғрисидаги орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун кўпроқ куч-ғайрат сарфлашга даъват этдилар.

АҚШда ирқий осойишталик ва уйғунлик қарор топмаганидан шу нарса ҳам далолат берадики, Ку-Клукс-Клан аъзолари яна хуруж қилдилар. Байрам арафасида анъанавий оқ рўдапога ўралган ва ярим ҳарбий кийим кийган жангарилар Теннесси штатидаги Пьюласки шаҳри теварагида бир қанча иғвогарлик йиғинлари ўтказдилар. Оқ ирқчиларнинг ана шу террорчилик ташкилотига 1865 йилда шу ерда асос солинган эди.

БУЭНОС-АЙРЕС. Бугундан бошлаб Аргентина билан Англия ўртасида пассажир самолётларининг мунтазам қатнови тикланди. Баҳсга сабаб бўлган Мальвин (Фолкленд) оролларида 1982 йилдаги Англия-Аргентина қуролли можароси сабабли самолётларнинг мунтазам қатнови тўхтатиб қўйилган эди. Буэнос-Айрес-Лондон ўртасида самолётлар қатновини «Аэролинеас архентинас» давлат авиакомпанияси ва Англиянинг «Бритиш эйруэз» компанияси амалга оширади.

МАНИЛА. Қўшма Штатлар 1 декабрь куни Филиппинда президент Корасон Акинога қарши ҳарбий тўнтаришга тайёргарлик кўрилаётганини барвақтроқ билган эди. Исён бошланишига бир неча кун қолганида АҚШ бирон-бир изоҳ бериб ўтирмай, 27 ноябрь куни Манилада очилиши мўлжалланган ҳамда алоҳида хавфли наркотик моддалар истеъмол қилишга қарши курашга бағишланган жанубий ва жануби-шарқий Осиё мамлакатлари регионал семинари ўтказилмайди, деб тўсатдан эълон қилди. АҚШнинг халқаро ривожланиш бошқармаси ҳомийлигидаги бу халқаро семинар Филиппин пойтахтида эмас, Бангкокда бўлди. Америка мансабдор шахслари семинар Бангкокка кўчирилганлигининг сабаби АҚШ давлат департаменти АҚШ гражданларининг Филиппинга боришини тақиқлаб қўйганлигидадир, деб ушбу йиғин қатнашчиларига изоҳ бердилар.

Шу нарса эътиборга моликки, бу тақиқ Вашингтон томонидан 12 ноябрь куни жорий этилди ва у президент К. Акинонинг АҚШга расмий ташрифи тугаб, Манилага қайтиб келганидан кейин амал қила бошлади. Аммо Филиппиннинг Ташқи ишлар министрлиги давлат департаментининг ушбу қароридан хабардор этилмади.

(ТАСС, 16 январь).

Гиёвандликка қарши кураш

НЬЮ-ЙОРК. «Интерфейс» тадқиқот ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳозир шаҳарда мунтазам равишда наркотик моддалар истеъмол қилувчи 17 ёшгача бўлган 140 мингга яқин бола бор. Улар орасида махсус даволаш курсидан ўтганларнинг 70 фоизига гиёвандлик ота-онасидан «мерос қолган». Фақат кучли таъсир қилувчи наркотик моддалардан бири — кокаиннинг истеъмол қилувчи ота-оналардан туғилган болалар сони кейинги олти йил ичида 1200 фоиз ошди. Шаҳарда кейинги икки йил мобайнида болалар ўлими жуда кўпайиб кетганлиги тасодиф эмас. Шаҳарда болалар ўртасидаги жиноятчилик даражасининг жуда юқори эканлиги ҳам наркотик моддалар билан боғлиқдир.

Шаҳар ўқув юртларида эса ўқувчиларга наркотик моддаларнинг нақадар хавфли нарса эканлигини тушунтириш ишлари деярли олиб борилмаяпти — барча ўқувчиларнинг учдан бир қисмигина ана шундай машғулотларда қатнашмоқда. Маҳаллий маъмурлар, уларнинг сўзларига қараганда, мактабларда гиёвандликка қарши кураш ишлари учун етарлича маблағларга эга эмас. Лекин «Интерфейс» ходимларининг фикрича, америкаликлар ёшларнинг гиёвандликнинг ёйилишига қарши курашга маблағларни аяб, маъмурлар шундай жиддий хатога йўл қўйишмоқдаки, уни тузатиш учун эртага бутун шаҳар бюджети ҳам етмай қолади.

(ТАСС).



Финляндиянинг почта идораси мамлакат XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига қадам қўйганлигини муомалага янги марка чиқариш билан нишонлади. Маркада шимол манзараси ва миллий почта хизмати герби ифодаланган.

Суратда: муомалага чиқарилган янги марка.

ЛЕХТИКУВ сурати (ТАСС).

Ранг-баранг олам

МАХАТМА ГАНДИ ХАТИ КИМОШДИ САВДОСИДА

● ҲИНДИСТОН сиёсий арбоби, миллий-озодлик ҳаракати йўлбошчиси Махатма Гандининг катта невараси Зиту Дхупелия бувасининг хатини кимошди савдосига қўйишга қарор қилди. Махатма Ганди бу мактубни Жанубий Африкада яшовчи (1893—1914 йиллар) ота-онасига йўллаганди. Зитага бу номани ўтган йили вафот этган онаси мерос сифатида қолдирган. Кимошди савдосидан тушган маблағга Африканинг жанубидаги йирик саноат маркази Дурбан шаҳридан 80 километр узоқликда мактаб қуриш мўлжалланмоқда.

ФАРИДА, КАВАДЖИ ВА БОШҚАЛАР

● БИРЛАШГАН Араб амирликлари полицияси мамлакатни босиб кетган жодугарлар, ялмоғизлар, табибларга қарши кураш эълон қилди. Ўтган ҳафтанинг ўзидаёқ ҳиндистонлик «ялмоғиз» ва икки африкалик «жодугар» қўлга олинди. Улар кўзбўямачиликда айбланмоқда. Масалан, ҳиндистонлик «ялмоғиз» Фарида касалликлардан фориғ бўлишни истаган беморларни ўз қудратига ишонтирган ва уларни бир кундалик даволаш учун пул олиб, қуръон сураларини ўқиб бераверган. Сенегаллик «афсунгар» Каваджи эса пошшолиги 25 га яқин, инсу-жинслар билан танишман деган. Бироқ, бу инсу-жинсларнинг бирортаси ҳам уни жиноятчи деб айбдан олинган 10 минг доллар учун жазодан қутилишда ёрдам бера олмади.

ВИДЕО РЕКОРДЛАР

● ЎТГАН йили америкаликлар видеокассеталарни сотиб олиш ёки ижарага олиш учун 2,2 миллиард доллар сарфладилар. Бу рақам 1989 йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпдир. Видеомагнитофон эгаларида кўпроқ «Уорнер бразерс» компанияси суратга олган «Бэтмен» номли кинофильм эътибор қозонди. Қора кучларга қарши курашувчи кўршапалак қиёфасидаги одам ҳақида ҳикоя қилувчи бу саргузашт фильмининг 11 миллион та кассетаси сотилган. «Бэмби» лақабли кийикнинг саргузаштлари ҳақидаги мультипликацион фильм иккинчи ўринни эгаллади — 10,5 миллион кассета. Американликлар кинотеатрларни ҳам унутишгани йўқ. 1989 йили рекорд миқдорда — 5 миллиард доллардан ортиқ пул сарфладилар. Шундан 251 миллион доллари «Бэтмен» фильмига тегишлидир.

Хориждан хабарлар

Хотира

Айтилмаган армонлар

Ичимдаги ёшурун ғамки,
айта олмасмен,
Бир ўт солур манга ҳар дамки,
айта олмасмен.

Алишер НАВОИЙ.

Амунинг ўнг қирғоги — қадимги Хоразмнинг минг йиллик тарихидан ёдгорлик — ҳар сарҳадда кўкка бўй чўзган, ташландиқ, вайрона қалъалар юрти Элликқалъадамиз. Ноҳиянинг ҳар қишлоғида битта-иккитадан қалъа бор. Бу хароба қалъалар беихтиёр хаёлингизни олади, узоқ ўтмишга етаклайди. Бу заминнинг олисларда қолган шавкатли, таърифи етти иқлим ошган ўтмиши тўғрисида мудроқ хотиралар ёдга келади...

Бу галги сафаримиз ўтмиш садолари — қалъалар ҳақида эмас. Гудурсин, Думан, Чўнқоқ, Ноиб қалъаларидан ўтиб борамиз. Емирилган деворлар юрагимизни титратади, чексиз далаларга сочилган ўзбек деҳқонининг бугуни ва келгуси куни оғир ўйларга ошно қилади. Ҳозир гап бу ҳақда ҳам эмас.

Эрталаб йўлга чиқаётиб, жадал аҳд қилганимиз — Амиробод қишлоғида яшаётган аскар оналарининг ҳузурига бориш, уларнинг эгилган қадларига тиргак бўлиш, ҳасратларига қулоқ солиш, шаҳид ўғлонларидан қолган ёлғиз ёдгорлари — фарзандларини зиёрат қилиш...

Қисмат дедик. Ноҳия комсомол қўмитаси котиби Ҳабибулло Қобулов дарров ҳамроҳликка кўна қолмайди. «Яраларини янгилаш нечун?.. «Москва» совхозида ўғли Афғонда ҳалок бўлган отахон бор. Ҳеч кимни уйига яқин йўлатмайди. Ёшлар борса ҳайдаб солади. «Ўз дардим билан ёлғиз қолдиринглар, нима қиласизлар қалбимни тирнаб дейди...» Боришга юрак бетламайдиган бўлиб қолган». Ҳабибуллонинг гапига эътироз билдиролмаймиз. Биринчи марта аскар оналарини зиёрат қилаётганимиз йўқ. Ҳар сафар бундай қадам ранжидадан сўнг онаизорнинг ортимиздан йиғлаб қолганига шоҳид бўлганмиз. Биз кетгач... онаизор уй тўрида осилиб турган марҳум ўғли сурати пойига ўзини ташлаб, ҳўнграб-ҳўнграб бўзламаган дейсизми? Иложимиз қанча? Кўнгил сўраш учун бораяпмиз. «Одам одамнинг тафтини олади», дейдилар.

Текис тош йўл. Ўнг қўлда баланд, виқорли Думан қалъа вайроналари кўзга ташланади. Кейин чап қўлга — қишлоқнинг тупроқ йўлига бурилямиз. Ҳабибулло йўл-йўлакай афғонда ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилиши керак бўлган ёдгорлик, байналмилалчилар хиёбонини яратиш учун бошланган эзгу ишларни сўзлаб боради. Қишлоққа яқинлашган сайин хаёл чалғиб, қоришиб кетади.

«Худди шу йўлдан Мурод ҳам, Умрбек ҳам ҳарбий хизматга жўнаш арафасида сўнгги марта ўтишган. Сўнгги марта ўтаётганликларини билишдимикан? Думан қалъанинг виқорли деворларига тикилиб, йўл-йўлакай хаёлларидан «Икки йилдан кейин албатта шу ердан, қалъа ёнидан ўтаман, онам, оилам бағрига ўқдек отилиб бораман. Ҳозирча хайр эй, салобатли вайроналар...» деган фикрлар кечмадими!..

Кузатаётиб, кўз ёшларини тия олмаган суюкли ёрлари — турмуш ўртоқлари хаёлидан нима кечди? Билмаймиз. Энди аччиқ хотиралар, азобли армонлар қолган. Айтилмаган армонлар. Дардингни тўрт девор эшитади, йиғлайсан, сиқтайсан. Тенгқурларини кўрганда кўзларингга ёшлар тўлиб кетади, бу дунёда яшаётганингга пушаймонлар ейсан. Тангридан илтижо қиласан: «Болам ёнига олиб борақол, менинг ундан бошқа азиз нимам бор эди...» Кўлингдан бошқа нимаям келарди? Тинчгина замонда қандайдир урушни ўйлаб топиб, бегуноҳ, гулдек йигитларнинг заволига қолган каттаконларнинг гўрларига ғишт қалаганинг билан ўғлинг тирилиб келармиди? Чорасизсан! Йигирма яшар ўғлонингнинг қолган умрини ёлғиз ёдгори, отасини кўриш насиб этмаган неварамга бер, деб яратгандан ўтинасан... Э-ҳ, қисмат-қисмат...

Мурод ўрта мактабни тугатиб, Нукусдаги қурилиш техникумида таҳсил олаётганди. Курсдоши бўлган чимбойлик Зуҳра номли қизга кўнгил қўйиб уйланди. 1980 йилнинг 3 апрелида уни ҳарбий хизматга чақиришди. Чекига афғон тушди. Саккиз ойдан сўнг эса бу хонадон тинчини қора қути —аскар тобути кўтарган ҳарбийлар бузишди...

Шарофиддин отаси хизматга кетгач, икки ойдан сўнг туғилди. Ҳозир у отаси таҳсил олган ўрта мактабнинг учинчи синфида ўқимоқда. Мактаб пионерлар дружина совети отаси номи билан аталади. Пионерлар хонасига унинг катта сурати қўйилган.

...Аскар онаси Қизларгул опа билан суҳбатимиз осон кечмайди. Ниятимизни англатиб етолмаймиз. Она бошини чангаллайди, йиғлашга тушади. Ҳижил тортамиз. Оғзимизга солган бир бурда нон тошдек туюлади, қани ютиб бўлса...

«Воҳ, болажоним!.. Ҳеч бўлмаса ўлигини кўрсатишса эди. Ёниб турган юрагимга совуқ сув бўлиб қуюлармиди? Юрагимдаги армон мозорга кирмагунимча бўшармикан?!»

Ўша йилларда афғон уруши ҳақида узун қулоқ гаплар эшитардик. Ҳалок бўлган аскарнинг ўлигини олиб келган ҳарбийлар тобутни очдириш, ўликни мусулмон одатига кўра дафн этишга рухсат беришмасди. Тобутни қучоқлаб бир кечада ақлдан озган оналар ҳақидаги гаплар тўқилган афсона эмас.

«Икки ўрис бола билан ўзимизнинг тўрткўллик йигит олиб келди Муроджонимни. Тобутни очдиришмади. Зуҳра эрининг ўлганига ишонмади. Беш йил кутди. Янглиш хабардир, балки дараги чиқиб қолар, деб умид қилди. Кўз очиб кўрган, аҳдлашиб турмуш қурган йигитнинг хизматга кетаётганда айтган аҳдномалари, берган ваъдаси...

Келинимдан мингдан-минг розиман. Беш йил кутди. Кейин... ёш нарса, бир нима деб бўлмайди. Бошқа юртга турмушга чиқди. Ўғлимни бизга бериб кетди. Келиб туради... Нима қилай, пешонамга битмаган экан».

Муроднинг ҳарбийдан ёзган хат-хабарларини кўргимиз келади. Лекин хатларни Зуҳра ўзи билан олиб кетган.

«Ёшликда берган кўнгил, айрилмас бало бўлур...»

Қизларгул опага таскин берамиз, тўққиз нафар фарзандлари униб-ўсишлари, уларнинг тақдири Муродникига ўхшамаслигини, унинг умрини фарзанди Шарофиддинга атасин... деймиз.

...Умрбек Дуржон момонинг етти фарзанди орасида ёлғиз ўғил эди. Шу ёлғизи манглайига сиғмади. Сиғдиришмади!

У ҳам Муроднинг тенгқури, бир қишлоқ болалари эдилар. 1979 йилда Калинин номли ўрта мактабни тугатгач, бир йил Тошкентдаги совутиш ускуналарини таъмирлаш бўйича курсда таҳсил олди. 1980 йилнинг августида синфдоши Гуландом Юсуповага уйланди Аҳду-паймон қилган икки ёш мақсадига етишди. Агар орадаги икки йиллик хизмат давридаги айриликни айтмаса...

Бу айрилиқ абадий бўлишини ким билибди, дейсиз?

1981 йилнинг 4 апрелида хизматга кетди. Қизи Омонгул шу йилнинг декабрь ойида дунёга келди. Умрбек афғондан омон келсин, деб яхши ният билан шундай исм қўйишганди...

«Ўғлингиз Умрбек Эгамбердиев исёнчилар тўдаси билан бўлган жанг пайти — 1982 йил 8 августда бошидан қаттиқ ярадор бўлди. Госпиталда уч кундан сўнг вафот этди. Сизнинг ўғлингиз...»

Икки майор имзолаган хат юракка таскин беролмайди. Унда «жасорат кўрсатгани» ҳақидаги илиқ сатрлар «шундай фарзандни тарбиялаганингиз учун миннатдорчилик билдирамиз» дейилгани ўғлининг ўрнини босадими? Қўчқор ака қора тобутни кўрганидан кейин ўзига келмай қолди. Бор-йўғи тўрт йил умр кўрди... Бўлмаса, умри далада кечган, бақувват одам эди. Тақдир зарбасини кўтара олмади.

...Дуржон момо уй тўрига солинган кўрпачада ерга тикилгунча хаёлга чўмиб ўтирибди. Саломлашамиз. Яқинда катта қизининг ўғлини уйига келтириб, бошқа бир невараси билан никоҳлаб, юртга тўй берганини эшитгандик. Кираётиб, эшик олдида катта дошқозон, ўчоқ, самоварга кўзимиз тушган. Лекин одатимизга кўра «кўзингиз ойдин» деб айтишга тил бормайди. Ахир, биз Умрбек учун кўнгил сўраб келмаганмидик?

Момо йиғламади. Қисматга тан берган. («Йиғлайвериб, кўз ёшларим қуриб кетди!») Янги туширган келинини мақтайди. «Ишчан. Бир гапимни икки қилмайди. Ишқилиб, шулардан буюрган бўлсин!»

Гуландомнинг умрлик хизмати эса буюрмади. Қандай яхши келин эди-я! Бечора, орзуларга кўмилиб кирган хонадондан йиғлаб-йиғлаб чиқиб кетди.

«Гуландомдан мингдан-минг розиман. Ўғлимнинг барча расм-русумлари, маъракалари ўтгунча кутди. Кейин рухсатини бердик. Кетар пайти айтдим. «Агар мени рози бўлсин десанг, шу қизимизни ташлаб кет! Биз қарияларнинг бошқа кимимиз бор?...» Зўр келин эди. Кетгиси йўқ эди, бечора нима қилсин! Шу аччиқ пешонамга сиғмаган бўлса.

Турмушга чиққан, ҳозир икки боласи бор. Биздан хабар олиб туради. Омонгул биринчи синфда ўқияпти...»

Омонгул ҳам отаси ўқиган мактабда таълим олаяпти. Мактабда отасининг катта сурати осиб қўйилган. Бир кун келиб у ҳам, Шарофиддин ҳам ўз оталари билан аталадиган дружина пионер ташкилотининг аъзолари бўлишади. Қисқа умрини эл-юрт омонлигига бахшида этган оталари билан фахрланиб юришади...

Биз эса уларнинг тақдирлари, оталариникига ўхшамасин, деймиз. Ҳеч қачон. Адолатсиз уруш, мақсадсиз уруш, кимнингдир аҳмоқлиги туфайли бошланган сиёсий зўравонлик уруши такрорланмасин, оналар қора тобутдаги бир сиқим суякни қучоқлаб, сочлари оқариб, ақлдан озмасинлар, тенгқурларимиз, укаларимиз, акаларимиз хотирасини абадийлаштириш учун елиб-югуриб юрмайлик.

Момоларнинг айтилмаган армонлари аччиқ сабоқ бўлгай! Бувалар-нинг ёниб-куйиб кетган жигарлари кўз ўнгимизда турсин!

Фарзандларнинг «Ота», «Она» сўзларини тирик вужудга эмас, девордаги суратга қараб, хўрсиниқ билан пичирлашлари тушларимизда ҳам тинч қўймай, мудҳиш хатоларни эслатиб турсин!

Гуландом, Зуҳра каби ўн саккиз ёшида бева қолган сингилларимизнинг кўз ёшлари, қарғишлари урсин қора юракли кимсаларни — шон-шавкат, «Олтин юлдуз» истаб қолган манқуртларни!

...Табаррук онахон-момохон ҳузуридан қайтамиз. Кўнгил ғаш, бир оғиз гап сиғмайди. Ҳабибуллонинг мутасадди идора ташкилотлар томонидан ҳалок бўлган жангчилар оилаларига моддий ёрдам берилаётгани, қаровсиз қолдирилмаслиги... тўғрисидаги изоҳлари ортиқча. Айтадиган, мақтанадиган иш эмас. Ёлғиз ўғлининг бегуноҳ нобуд бўлишига айбдор — раҳбарларми, ҳукуматми экан, энди ўша ўғли ўрнида ўғил бўлиб, оғирини енгил қилиш, пинжига кириб, қариган пайтида суяш, бурчимиз эканлигини айтиш, эслатиш... уят!

...Тупроқ йўлдан кенг тош йўлга чиқамиз. Нигоҳимиз яна Думан қалъа харобаларига тушади. Бояги виқорли, ҳайбатли кўриниши йўқ. Гўё мунғайиб, мункайиб қолгандек.

У ўғлонларини омон йўлга жўнатиб, қайта кўриш насиб этмаган, ҳасрату-армонлари қаддини чўктирган қарияларни эслатади.

Минг йиллар гувоҳи бўлган қадим қалъанинг бу аҳволини кўрмаслик учун кўзларимизни беркитамиз.

Дуржон момонинг тил учидан қочган ҳасратларини тинглаб, шу куйга тушган экансиз, унинг ва унингдек минг тўрт юздан кўпроқ аскар оналарининг айтилмаган, юракларига тарам-тарам из солган армонларини тингласанг, не ҳолга тушар экансан-а?..

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти.

Имкониятлар чекланган жойда...

Абдувоҳид Жўраев ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисоди илмий тадқиқот институтида шўъба мудири бўлиб ишлайди, иқтисод фанлари номзоди. 1989 йил Абдувоҳид пахтачилик соҳасида олиб бораётган ишлари учун жумҳурият Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

Лауреат билан бўлган суҳбатимиз ҳам ушбу мавзуга бағишланди.



— Пахтачиликни интенсив ривожлантиришнинг ҳозирги аҳволи ниҳоятда ташвишли, — деб сўз бошлади суҳбатдошим. — Янги ерларни ўзлаштириш имкониятлари чекланган. Қолаверса, сув танқислиги мавжуд. Бунинг устига, экология масалалари ҳам борки, унинг шартлари билан ҳисоблашмаслик асло мумкин эмас. Биз ишимизда хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш, планлаштириш йўлларини излайдик. Шу вақтгача хўжаликларимизга берилган планларда реал имкониятлар ҳисобга олинмасди. Ҳамкасбимиз Муҳаммаджон Алимардонов олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари ҳам буни тасдиқлайди. Унинг фикрича, ҳар битта хўжаликка унинг иқтисодий, ижтимоий муносабатларини ҳисобга олган ҳолда план белгилаш, давлат буюртмаларини таклиф қилиш мумкин.

60-йилларда ёппасига янги совхозлар барпо этиш ҳаракати бошланган эди. Ўша пайтдаёқ архитекторларимиз юқоридан келган кўрсатмага амал қилишиб, таннархи арзон бўлган лойиҳа яратдилар. Лойиҳада янги ерларда барпо этилаётган совхозларда яшайдиган оилалар сони икки маротаба камайтирилган эди.

— Эҳтимол улар қишлоқ оилаларида ўртача 7-8 жон бўлишини билишмагандир?

— Балким. Лекин улар лойиҳани арзонлаштиришнинг энг арзон ва қулай йўлини топишган. Ўзбекистонда ҳар бир кишига 1,5 гектар майдон тўғри келади. Янги ўзлаштирилган ерларда эса 3-4 гектар. Бу ерда ҳам лойиҳачиларимиз ҳар бир кишига 10-12 гектарни мўлжаллашган. Қисқаси, янги совхозларда одамлар сони камайтириб кўрсатилган. Натижада, қурилиши лозим бўлган ижтимоий объектларнинг умумий миқдори камайган. Маблағнинг катта қисми ишлаб чиқаришга сарф этилгани ҳолда майда бир бўлаги ижтимоий соҳага қолдирилган. Мана шуларнинг ҳаммаси, нотўғри лойиҳалаштириш, маъмурий-буйруқбозлик системаси меҳнаткашларнинг азоб тортишига сабаб бўлмоқда.

— Демак, янги совхозларимизда ижтимоий объектлар етишмаяпти?

— Фақат совхозлардагина эмас. Қишлоқларимизда ҳам. Одамлар эса яшаш учун оддий бўлган шарт-шароитларнинг йўқлигидан қийналишяпти. Боғча, мактаб, кутубхоналар, кинотеатр, маданият уйлари — ижтимоий объектлар етарлича қурилмаяпти. Шахсни камол топтирадиган, унинг маданиятини оширадиган, дунёқарашини бойитадиган масканлар йўқ. Ақлий ривожланиш учун зарур бўлган соҳалар тўхтаб қолди. Шу боис, кадрлар қунимсизлиги пайдо бўлди. Янги ерларни ўзлаштириш учун сарф қилинган миллион-миллион сўмлар ҳалигача ўзини оқламаяпти. Кутилган натижа, фойда йўқ. Айниқса, бу ҳолат, Қашқадарё вилоятида яққол кўзга ташланади. Одамлар бир машина сувни 10-15 сўмга сотиб оляпти. Очиқ ҳавода ўн кунлаб турган сувни истеъмол қилишяпти. Гарчи санитария-гигиена қоидаларига хилоф бўлса-да.

— Қишлоқларимизда энг оғир меҳнат хотин-қизлар чекига тушмоқда. Кейинги пайтда улар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари, ҳам учраб турибди. Балким, бу ҳам ижтимоий муаммолар билан боғлиқдир?

— Шак-шубҳасиз. Қишлоқ жойларида аёлларимиз иш билан тўла таъминланмаган. Боғчалар етишмайди. Турмуш азоб-уқубатлари, етишмовчилик, оилага келадиган даромаднинг пастлиги уларни ҳаддан ташқари эзиб қўйган. Соғлиқни сақлаш, мактабгача тарбия муассасалари, таълим-тарбия масканлари, спорт-соғломлаштириш, дам олиш, маиший хизмат кўрсатиш уйлари, умумий овқатланиш корхоналари — сув ва ҳаводай зарур бўлган мазкур объектларни барпо этсак, Ўзбекистонда яна қўшимча 142 минг иш ўрни пайдо бўлади. СССРнинг ўртача даражасига кўтарсак, 308 минг киши қўшимча иш билан таъминланади. Бу билан биз икки томонлама ютамиз, биринчидан, одамларни иш билан таъминласак, иккинчидан, келадиган даромад кўпаяди. Натижада, турмуш тарзи яхшиланади, даромад манбаи ошади.

— Нуқсонлар бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ. У йиллар давомида тўпланиб келди. Уни ўзгартириш осонлик билан кечмайди. Қолаверса, бу жуда катта маблағ талаб қилади. Иқтисодиётимизнинг қай аҳволдалиги эса ўзингизга маълум.

Ленин Октябрь инқилоби арафасидаёқ ижтимоий соҳа оқсаганда, қандай натижаларга олиб келишини кўра билган. Ижтимоий соҳани ривожлантириш хўжалик юритишнинг энг мақбул усули эканлигини таъкидлаган. Биз ижтимоий соҳани ривожлантиришда миллион сўмларни иқтисод қилишимиз мумкин, лекин бизнинг йўқотган нарсамиз шунчалик кўп бўладики, унинг ўрнини ҳеч қандай миллиард ҳам қоплай олмайди.

Лекин биз бунга амал қилмадик. Ўзимизча миллионларни тежадик. Ишлаб чиқаришни ривожлантирамиз дедик. Аслида эса ҳеч нарсага эриша олмадик. Ижтимоий соҳада ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам аросатда қолдик. Энди иккаласини ҳам ривожлантиришимиз, тиклаб олишимиз зарур. Бунга эса маблағ йўқ. Вақтида ялпи капитал қўйманинг ижтимоий соҳага сарфланадиган қисми 20—23 фоиз бўлган. Ҳозир 33 фоизга кўтарилди. Бизнингча, бу ҳам кам. Ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағ аҳоли ривожи (аҳолининг ўсиш даражаси 29 фоиз)дан ошиқ бўлиши керак. 33 эмас, 40 бўлса эди! Ахир ўнлаб йиллар мобайнида ижтимоий соҳамиз муаллақ турди. Ҳозир шу 40 фоизни ажратиб, зарур маблағлар билан таъминласак, ўшандагина маълум бир пайтгача мувозанатни сақлаб туриш мумкин.

Вилоятлар ўртасида ҳам жуда катта фарқ бор. Масалан, Наманган вилоятида капитал маблағнинг 44 фоизи ижтимоий соҳага сарфланади. Қашқадарёда эса бор-йўғи 23 фоиз. Ваҳоланки, бу вилоят ижтимоий кўрсатгичлар бўйича жумҳуриятда сўнгги ўринда туради.

Ҳар бир вилоят, ноҳияда ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятлари ҳисобга олинмаган ҳолда тақсимот олиб бориляпти. Шундай давом этаверса, шаҳар билан қишлоқ ўртасида, вилоятлар, жумҳуриятлар ўртасидаги ижтимоий соҳада тенгсизликни янада оширган бўламиз. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленумида ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишлари белгилаб берилди. Сезиларли силжишлар бор. Бироқ планлаштириш, бошқариш системасида ҳанузгача эскича ёндашув мавжуд. Биз бу борада Сурхондарё вилояти бўйича кузатувлар олиб боряпмиз. Аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш 1,9, савдо хизмати 2,7, касалхоналарни жой билан таъминлаш 2,8 марта фарқланади. Бир вилоят территориясида бу жуда катта фарқ. Ушбу вилоятдаги мутасадди ташкилотлар, вилоят планлаштириш қўмитаси, ижроқўми, ижтимоий соҳани ривожлантириши лозим бўлган ташкилотлар аҳолининг мазкур объектлар билан таъминланиш даражасини ҳисобга олмай қўйдилар. Биз яқинда Сурхондарё вилоятидаги Жарқўрғон ноҳиясининг 2 та хўжалигида ижтимоий объектларнинг қандай жойлашганини таққослаб чиқдик. Биринчиси, Норали Боймуродов номидаги жамоа хўжалиги, у ноҳия марказида жойлашган. Иккинчиси, марказдан 25-30 километр узоқда. Устига устак, ижтимоий объектлар қурилмаган. Оддийгина маиший хизмат кўрсатиш уйлари Ҳамид Олимжон номидаги совхозда 3 та, «Украина» совхозида эса бу ҳам йўқ. Совхоз ишчилари маиший хизмат кўрсатиш хизматларидан фойдаланиш учун марказга қатнашга мажбурлар. Оддий юмушларни битказиш учун ҳам бир кун вақтларини сарфлайдилар. Транспорт қатнови ёмон. Адолат принциплари бузиляпти. Аслида, марказдан узоқлашган сари ижтимоий объектлар билан таъминланиш даражаси яхшилана бориши керак. Бу ерда эса тескариси. Н. Боймуродов номидаги хўжалик аъзолари шаҳарга тушиб, юмушларини битказишлари осон. Ҳамид Олимжон номидаги ҳамда «Украина» совхозлари меҳнаткашлари кўпдан-кўп вақтларини ҳавога совурмоқдалар. Улар бу вақтларда китоб ўқишлари, кинотеатрларга тушишлари, тўгаракларга қатнашишлари мумкин эди. Бундан ҳам ажабланарлиси шундаки, ноҳияни комплекс равишда ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган планида ҳам юқоридаги хўжаликларда маиший объектлар қурилиши кўзда тутилмаган.

40 фоиз қишлоқ аҳолиси ўзининг маиший эҳтиёжларини қондириш учун шаҳарга борар экан. Буни пулга чақсак, жуда катта, улкан маблағ ҳосил бўлади. Бу эса шундоқ ҳам паст бўлган қишлоқ аҳолисининг турмуш аҳволини янада оғирлаштираяпти.

— Демак, бу аҳвол давом этаверади?

— Афсуски, ҳа. Аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжи эътиборга олинмаяпти. Турмуш даражаси ошган сари, унинг эҳтиёжи ҳам ортади. Бу жамият қонуни. Қонун эса бузиляпти. Бузилганда ҳам унча-мунча эмас.

— Нега шундай бўляпти? Кимнинг айби билан?

— Албатта, айбни ноҳия ижроия қўмитасига тўнкаш нотўғри бўлган бўлар эди. Ахир уларда ижтимоий объектларни қуриш, ривожлантириш учун маблағ йўқ. Қолаверса, ҳокимият, ҳуқуқ ҳам. Кўрсатмалар юқоридан бўлади. У ижрочи. Истайдими, йўқми бажаришга мажбур. Энди ўйлаб кўринг, ўз ноҳиясининг дардини у яхшироқ биладими ёки ўнлаб чақирим узоқликдаги буйруқбозларми? Ушбу вазиятдан қутулиш мумкин. Бунинг учун ижтимоий объектларга ажратиладиган маблағни ноҳия ижроқўмлари ихтиёрига бериш керак. Уни қандай сарфлашни ўзлари мустақил равишда ҳал этсинлар.

Бошқарувнинг иқтисодий принциплари бор. Унга асосан, ноҳия ҳудудидаги аҳоли пунктларида ижтимоий объектлар бир хил ривожланиши учун, кишиларнинг турмуш, яшаш шароитларининг маромда бўлиши учун фойдаланилади. Масалан, аҳоли кам жойлардаги объектларни солиқ тўлашдан озод қилиш ва кишиларга имтиёзлар бериш; квартира ва электр энергиясидан бепул фойдаланиш. Иқтисодий принцип методларидан ҳам ноҳия ўз хоҳишича фойдалана олмайди. Бор-йўғи вилоятдан кўрсатиладиган план-кўрсатгичлар билан келишади, холос. Бошқа ҳуқуқи йўқ.

— Пулинг бўлмаса, сен ҳеч ким эмассан. Ҳатто ҳуқуқинг ҳам йўқ, экан-да?

— Шундай. Вилоят ҳар бир соҳа учун маълум бир маблағ ажратади. Агар ноҳиянинг ўзида ихтиёр бўлганида эди, ўша оқсаётган соҳаларни ривожлантирарди. Айниқса ҳозир, барча хўжаликлар ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, тўла хўжалик ҳисобига ўтган пайтда. Бақувват, ўзига тўқ хўжаликлар бор. Афсуски, улар ҳам фойдадан фойдаланишни билишмаяпти. Биринчидан, объектни қуриш учун аввало уни қурилиш планига киритиш зарур. Бу анча дақмазали иш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрла, тасдиқлат. Сўнгра вилоят ижроқўмининг капитал қурилиш бошқармасидаги планга кирит. Иккинчи томондан, планга киритмасдан ҳам қуриш мумкин (кичикроқ объектларни, уй-жой. Унда ҳам лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланиши шарт), аммо қурилиш материаллари тақчиллигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ишнинг ўзи бўлмаслигини ҳис этамиз.

Ёзувчи Игорь Исаевнинг ажойиб бир гапи бор: «Қишлоқ — шаҳарларнинг онаси». Мен бу гапнинг бир олам маъносини туяман. Одамга нисбатан эмас, жамиятга нисбатан олиб кўрилганда она абадий яшаши лозим. Она ўз ролини ўташи, шаҳар-фарзандини таъминлаб туриши керак. Бу жараён жамиятнинг давом этиш жараёни билан боғланиб кетган. Фарзанд ҳам она тўғрисида қайғуриши шарт. Минг таассуфлар бўлсинким, фарзанд ўз бурчини ўтамай қўйди. Қишлоқларимиз қаровсиз қолмоқда. Аслида шаҳар мавжуд фондларидан бир қисмини қишлоққа юбориши мақсадга мувофиқ. Айни пайтда эса объектларнинг жойлашиш жараёнида шаҳарнинг устунлиги сақланиб қолган. 1989 йилнинг март ойида СССР Министрлар Советининг қабул қилган махсус қарорини эслайлик. Бу қишлоқни ижтимоий ривожлантиришнинг тезлаштириш программаси. Ундан кўзда тутилган мақсад шаҳар билан қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ўртасидаги тенгсизликни йўқотишдир. Ушбу қарор бўйича айтарли ишлар қилинмаяпти. Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастурида ҳам бу ҳақда гап борган. Биз қишлоқ аҳолисидан қарздормиз. Жуда катта қарздормиз, дейилади унда. Зора, ушбу ҳаракат дастури таъсирида жумҳуриятда бирор ўзгариш бўлса!

Ижтимоий объектларга бўлган эътибор, мамлакат миқёсида ҳам, вилоятлар миқёсида ҳам ачинарли аҳволда. Бу билан биз, социалистик жамиятда шахснинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлишини таъминлаш зарурлигини унутиб қўяяпмиз. Ўзимиз билмаган ҳолда бу муҳим вазифани орқага сураяпмиз.

Планлаштириш системасининг нотўғри тақсимоти оқибатида халқимизни ривожланишдан чеклаб қўймоқдамиз. Биз ҳозирдаёқ мана шу нарсалар тўғрисида қайғуришимиз, бонг уришимиз керак. Эртага эса кеч бўлади.

Жумҳуриятимиз юқори сейсмик зонада жойлашган. Худо кўрсатмасин, агар зилзила бўлса, мослаштирилган бинолардаги мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасалари катта талофат кўради. Бу йўқотишни ҳеч қандай маблағ билан тўлдириб бўлмайди. Бизнинг Ўзбекистон шароитида Арманистон фожиаси бир неча бор ошиб тушиши мумкин. Буни биз ҳисобга олмасак бўлмайди. Шунга мажбурмиз. Яна бир томони, Иттифоқимиз жумҳуриятлари 1991 йилда тўла хўжалик ҳисобига ўтади. Бу шароитда ижтимоий соҳани ривожлантириш учун ички резервларни топиш керак. Чунки умумиттифоқ бюджетидан ажратиладиган маблағлар, ижтимоий-истеъмол фондларидан келадиган маблағлар чекланган бўлади. Агар биз ҳозирги шароит билан 1991 йилга келсак, жумҳурият ушбу кўрсатгич бўйича сўнгги ўринларни эгаллаши табиий. 1991 йилни эстафета деб олсак, биз старт чизиғига тайёргарлик кўрмасдан, қўлтиқтаёқда келяпмиз.

— Ортиқча шов-шув эмасми бу?

— Бундай дейишимга тўла асос бор, деб ўйлайман. Мана ўзингиз ўйлаб кўринг, қишлоқларимизнинг 31 фоизида мактаб, 30 фоизида мактабгача тарбия муассасалари йўқ, 33 фоизида маданият ўчоқлари қурилмаган, 82 фоизида маиший хизмат кўрсатиш уйлари йўқ. Бу камчиликларни тугатиш учун, жумҳуриятимизга жуда катта миқдорда маблағ керак. Боя айтганимдек, шу ҳолда 1991 йилга қадам қўйсак, унда жумҳуриятлар ўртасидаги қолоқлигимиз янада ошади. Бизда 1 миллионча одам иш билан таъминланмаган. Бутун кўрсатгичлар бўйича жумҳуриятимиз мамлакат даражасидан паст. Бу фарқ регионал хўжалик ҳисобига ўтилганидан кейин тағинда ошади.

— Сизнингча, нима қилиш керак?

— Зудлик билан жумҳурият планлаштириш қўмитаси ва Нозирлар Кенгаши илмий кучларни бир жойга йиғиши зарур. Ижтимоий соҳани ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ташкилотларни йиғиб, умумий принципларни ишлаб чиқиш шарт. Кенг омма иштирокида ушбу масалаларни муҳокама қилиш даркор.

Назаримда, мамлакатнинг ўртача даражасига етиш учун юқоридан маблағ сўраш лозим. Чунки Ўзбекистонда бир кишига соғлиқни сақлаш соҳасида ажратиладиган маблағ салкам 49 сўм 77 тийинга тўғри келса, мамлакатда 81 сўм. Уй-жой қишлоқ жойларида 11 кв.метрдан бўлса, Болтиқбўйи жумҳуриятларда 25—27 кв. метр, мамлакатда 17 кв. метрдир. Уй-жой қуриш эса мамлакатнинг ҳар 10 минг кишисига 80 тага яқин, Болтиқбўйида 90 дан ошиқ, Ўзбекистонда 1980 йил 57 тага тўғри келган бўлса, 1987 йилга келиб, 52 тага тушиб қолган. Демак, бизнинг регионимизда уй-жой қурилиши жадаллик билан олиб борилиши лозим. Соғлиқни сақлаш муассасаларида 1 та кароватга 7 кв. метр жой ажратилади. Бу норма Ўзбекистон шароитида эса 3,5—4 кв. метр. Нормадагидан деярли 2 марта кам. Туғруқхоналарда 2 кв. метрга тўғри келадиган жойлар бор.

Қишлоқда туғилиб ўсганман, шу боис унинг муаммолари менга сир эмас. Ёзги таътилда қишлоққа борганимда ушбу нарсаларнинг гувоҳи бўлдим. Узоқ қариндошимизнинг ўғли сариқ касали билан оғриб қолибди. Беморни ноҳия касалхонасига олиб боришса, жой йўқ, деб қабул қилишмабди. Бу ахир не кўргулик! Медицина хулосалари сариқ касали эканлигини тасдиқлаб турган бўлсаю (ҳатто бир неча бор юқори формада), беморни даволашдан бош тортишса.

Юқумли касалликлар шифохонасига бордим. Биласизми, таърифга сўз ожиз. Беморлар ҳовлида ётишибди. Фақат атрофи чодир билан ўраб қўйилган. Сал нарида кир ювиш хонаси. Ҳеч бир медицина санитария-гигиена қоидаларига тўғри келмайди. Қумқўрғон, Жарқўрғон ноҳияларида шундай аҳволки, унга чидаш қийин. Агар шундай воқеа шаҳарда бўлганида борми, бемор «изолятор»га ёткизиларди. Касалликка қарши эмланарди. Уй-жой дезинфекция қилинарди. Қишлоқда эса беморлар кўплигидан дезинфекция қилишга улгуришмайди.

Бизда битта кароватни сақлаб туриш учун СССР бўйича бир йилда 4000 сўм пул ажратилар экан, Ўзбекистонда эса 3100 сўм. Қашқадарёда 1600 сўм. Ўйлаб кўринг, 1600 сўмга қанча медицина анжомлари сотиб олиш мумкин. Дори-дармонлар, диагностика қурилмалари...

Қумқўрғондаги юқумли касалликлар шифохонаси врачи Чори Нораллиев билан суҳбатлашдим. Шароитдан ноҳия, вилоят раҳбарлари хабардор, дейди у. Имкониятларимиздан 150 фоиз фойдаланяпмиз. Лойиҳада мўлжалланганидан 2-3 баравар кўп бемор бор. Шу боис, дори-дармонлар ҳам етишмайди.

Боши берк кўчага кириб қолинган. Ҳатто ўша ер аҳолиси Жарқўрғонни ўзларича юқумли касалликлар маркази дейишади. Ростдан ҳам шундайдир? Касаллик пайдо бўлишининг яна бир сабаби экология шароитининг ёмонлиги. Жамоа хўжалиги ва совхозларнинг бор йўғи 58 фоизи омборлар билан таъминланган. Қолган кимёвий дорилар очиқ ҳавода сақланади. Унинг бир қисми ерости сувларига ўтиб кетса, яна бир қисми атроф-муҳитни булғайди, кишиларга таъсир этади. Буни инкор қилиб бўлмайди. Болалар ўлими шу боис юқори. Сурхондарё вилоятида ҳар минг кишига 55 ўлим тўғри келмоқда. Жарқўрғон ноҳиясининг «Коммунизм» жамоа хўжалигида бундан ҳам юқори — 100 га етади. Бу маълумотларни қишлоқ Советларидан олганмиз (1987 йил).

Яқинда телевидениеда, Соғлиқни сақлаш министри Баҳромов шундай гапни айтди: врачларимизнинг 30 фоизи аттестация даражасида экан. Эътибор берган бўлсангиз, ҳозир қишлоқда даволанган бемор, шаҳарга, марказга келиб яна даволаняпти. Жамият бир беморга 2 марта маблағ сарфляпти. Қишлоқларда беморга ҳатто, аниқ бир диагноз қўйишолмаяпти.

— Савдода нима гап?

— Дарҳақиқат аҳоли жон бошига тўғри келадиган товар айрибошлашда қишлоқ билан шаҳар ўртасида катта фарқ бор. Қашқадарё вилоятини олиб кўрайлик. Шаҳарда аҳоли жон бошига товар айрибошлаш бир йилда 1308 сўмга тўғри келса, қишлоқ жойларида бу кўрсаткич 350 сўм. Демак, бу шаҳар даражасининг 27 фоизи.

Давлат савдоси билан матлубот жамияти савдоси ўртасида фарқ бор. Аслида матлубот жамиятида бу баъзи қўшимча харажатлар сарф қилишни талаб қилади. Матлубот жамияти савдо корхоналарида ижтимоий адолат принциплари бузиляпти. Ёнма-ён иккита магазин бор. Бирини ишчилар таъминоти бўлими таъминлайди, иккинчисини матлубот жамияти. Иккаласида ҳам саноат моллари, хўжалик моллари бор. Бироқ, нархи икки хил. Бир хил тикилган, бир жойда ишлаб чиқарилган. Баъзи молларда устама ҳақлари бор. Бу 10 фоизгача қўйилади. Яна қишлоқ аҳолисини шилиш. Бундай магазинлар кўп.

Назаримда, хизмат кўрсатадиган соҳа, ижтимоий соҳадаги объектлар энди олдинги ҳолича эмас, янгичасига, замона зайли билан ўсиши зарур. Яъни, авваллари биз аҳолини ўша объектларга йўналтирган бўлсак, улар ўз эҳтиёжларини шаҳарга бориб қондирган бўлсалар, энди шу ташкилотлар аҳоли яшайдиган жойларга яқинлашиши керак. Ҳозиргача бу соҳага эътибор кам эди. Чунки раҳбарларимиз туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади, деган ақидага риоя қилишган. Мана шу принцип билан ижтимоий соҳага қаттиқ зарба бердик.

Биз пахта яккаҳокимлигини тугатиш бўйича жуда катта ишни бошлаб қўйдик. Бу амалга ошяпти. Пахтадан бўшаган ерларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экаяпмиз. Уни таъминотчиларга исрофсиз етказиб бериш муаммоси ҳам бор. Ҳозир етиштирилган маҳсулотларнинг қарийб ярми нобуд бўлмоқда. Бу сақлаш, қайта ишлаш билан боғлиқ масалалардир.

Сурхондарё вилояти марказий шаҳарларни 1 миллион тонна сабзавот билан таъминлаши кўзда тутилган. Бироқ биз ўзимизни ҳам ўйлашимиз керак. Ёзда тўйиб помидор ейсан-у, сентябрдан бошлаб унга зорсан. Ёки узум таъминотини олиб кўрайлик. Барчасини ҳал қилиш мумкин. Фақат сақлашни билсак бўлгани.

Мана, томорқа хўжалигини ривожлантираяпмиз, бу яхши. Энди маҳсулотларни сақлашни, қайта ишлашни ҳам ўрганайликда. Сир эмас, Сурхондарёда эрта баҳорги карам экишади. Шахсий хўжаликлар ҳам. Унинг даромади яхши. Бироқ ҳар йили ўн минглаб тонна карам темир йўл хизматининг нотўғри йўлга қўйилганлиги, тайёрлов ташкилоти системасининг масъулиятсизлиги оқибатида кўчаларга, дарёларга тўкиб ташланади. Сувда эса унга бир вақтлар сепилган кимёвий дорилар тарқалади. Сув ифлосланади, ундан заҳарланиш эҳтимоли бор.

Япониялик мутахассислар ҳозир маҳсулотларнинг қайси регионлардан олиб келинаётганлиги билан ҳам қизиқмоқдалар. Сўнгра улар «Спутник»лар орқали ўша зонада экологик вазият қандай эканлигини билиб олишади. Шунга қараб муомала ҳам ўзгаради. Маҳсулот таркибида инсон учун заҳарли бўлган нитрат, нитрит моддалари борми, йўқми?

— Демак, биз бундан кейин нафақат маҳсулотни кўпайтиришни, балки санитария нормаларига мос келадиган, бошқа ерларга сотилганда, давлат стандартига тўғри келадиган маҳсулотни етиштиришни ҳам ҳисобга олишимиз керак экан-да?

— Худди шундай. Яқинда биз Болтиқбўйи жумҳуриятларида бўлдик. У ерда имкониятлардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. Давлатнинг томорқа хўжалигидан фойдаланиш қарорига асосан **хўжаликда директорнинг томорқа хўжалигини ривожлантириш бўйича ўринбосари бор.** Шундай штат тасдиқланган. Аммо бизда йўқ. Кейин хўжаликларда етиштирилган маҳсулотлар совхознинг давлатга сотиш планига киритилган. Томорқа маҳсулотлари ҳам хўжаликлар орқали сотилади. Бу хўжаликка ҳам, колхозчиларга ҳам фойда. Хўжаликлар бир неча йил муддатга одамлар билан шартнома тузади, штатдаги киши эса ўша иш билан шуғулланади. Ўғит етказиб беради, техника воситалари билан таъминлайди. Қанийди, бизда ҳам шундай бўлса. Одамларда қизиқиш уйғота олсак. Бу билан хўжалик иқтисодини ҳам, кишиларнинг турмуш даражасини ҳам кўтаришимиз мумкин. Болтиқбўйида ҳар килограмм сотилган сутга 150 грамм, чўчқа гўштига 2 килограмм ем ажратилар экан. Бундан кўриниб турибдики, хўжалик шахсий томорқада етиштирилган маҳсулотнинг моддий таъминотини ўз зиммасига олган. Кейин тайёр маҳсулотни сотишни ҳам.

— Ишсизлик хусусида нима дейишингиз мумкин?

— Конституцияда ҳар бир СССР граждани меҳнат қилиш ҳуқуқига эга, дейилган. Шундай экан, жамият аҳолини иш билан таъминлаши шарт. Бу масала юзасидан менинг ўз қарашим бор. Агар жамият таъминламас экан, унга нафақа тўласин. Ишсиз киши кун кечириши, оилали бўлса, болаларини боқиши керак-ку. Социалистик мамлакатларда, хусусан, Венгрия, Югославияда шундай...

Шукрки ижара пудрати ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалигида у ўз самарасини берди. Сирдарё вилоятининг Мирзачўл ноҳиясидаги «Советская Россия» хўжалигида ижара муносабатларини жорий қилиш бўйича иш олиб бордик. Бу хўжалик сўнгги ўн йиллар мобайнида бирон марта давлат планини бажаролмаган. Мазкур йилда қийинчиликларга қарамасдан план тўлди.

Тўғри, ижара пудратини ривожлантириш ишсизлар сонини оширмоқда. Бу объектив ҳолат, куч билан тўхтатиб бўлмайди. Қишлоқ аҳолиси декабрь, январь, февраль, март ойларида 4—5 ой иш билан таъминланмаган. Бу ўша даврда ойлик олмайди, дегани. Ўша ерда биз мавжуд қишлоқ хўжалиги ресурсларидан самарали фойдаланмаяпмиз, деган гапнинг ўзи.

Халқимизда шундай одат бор: ҳашар йўли билан ободончилик ишларини олиб бориш. Вақтида шу йўл билан каналлар қазилганди. Бора-бора халқнинг бу удуми ҳам таомилдан чиқиб кетаяпти. Ё ҳашар, ё маблағ йиғиш йўли билан ижтимоий объектлар қуриш мумкин бўлар? Назаримда комсомол ташкилоти, ёшларимиз ижтимоий соҳани ўз оталиғига олса, зўр иш бўларди. Ҳашарлар ташкил қилиш, мавжуд имкониятларни ишга солиш билан қишлоқларимизда тобора орқада қолиб бораётган ижтимоий соҳанинг ривож топишига катта ҳисса қўшган бўлардик. Балки шу билан комсомол ўзининг йўқотган обрўсини тиклаб олган бўлармиди?

— Суҳбатингиз учун раҳмат!

Муҳаммад АМИН суҳбатлашди.

Жаримангизни тезроқ олинг— мижозим кутаяпти!

«Даромадли иш — даромадли-да», — дейди зангори экрандан очиқдан-очиқ ўз танини валютага сотадиган фоҳиша. 16 январь куни СССР Ички ишлар министрлигида бўлган матбуот конференцияси фоҳишабозликка қарши кураш муаммоларига бағишланган фильмни намойиш этиш билан бошланди.

— Фоҳишалик — бу фақат ахлоқий муаммо эмас, Фоҳишалик бундан кўра кенгроқ маънони билдиради, — деди СССР Ички ишлар министрлиги профилактика хизмати бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Н. Тарасенко. — Фоҳишалик ошкора равишда уюшган ҳолда бўлмоқда. Таксичилар, ўз ўйнаши ҳисобига яшовчи эркаклар, бузуқхоналарнинг эгалари — уларнинг ҳаммаси ҳозиргача амалда жазоланмай келаётган фоҳишалар ҳисобига яшашмоқда. Фоҳишаларга «солиқ» солувчи рэкетчилар учун эса бу ҳақиқатан ҳам даромад манбаидир.

Мен бу ўринда меҳмонхона ходимлари ҳақида гапираётганим йўқ. Меҳмонхоналарда ишлайдиган фоҳишаларнинг «совға-саломлари» ана шу ходимларнинг чўнтагини янада бойитаётганлиги маълум. Чунончи, яқинда «Интурист» меҳмонхонасининг фармойиш берувчи директори В. Бухтияров пора олаётганида ушланди ва ҳибсга олинди. В. Бухтияров «енгил табиатли» аёллардан улар меҳмонлар яшайдиган бинога ҳеч қандай тўсиқсиз ўтганлари учун мунтасил равишда пул олиб келган. Хўш, биз фоҳишабозликка қарши қандай курашаяпмиз. Фақат фармонлар билангина курашаяпмиз.

Айтганча, моддий асос ҳақида гапирмоқчиман. Нина Ивановнанинг ҳаяжонли нутқини тўла қўллаб-қувватлайман. Ҳозир биз ҳақиқатан ҳам фоҳишаларга жарима солиш билангина уларга қарши курашаяпмиз. Район ижроия комитетларининг тегишли комиссиялари жарима қоғозларини ёзиб берадилар. Мен бу ишдан хабардор бўлмаган, муаммонинг мураккаблигини тушунмайдиган одамлар комиссияга аъзо бўлганлигини гапираётганим йўқ. Акс ҳолда жарималарнинг арзимас миқдорда — атиги 30 сўм бўлишини нима билан изоҳлаш мумкин? Бир кечанинг ўзидагина бутун бошли бойлик орттира оладиган, валютага ўз танини сотадиган фоҳиша учун бу пулми, ахир? «Севги бандилари»нинг кўпчилиги жиноий қидирув ходимларига: «жаримангизни тезроқ ола қолинг — мижозим кутиб қолди» деб бекорга айтишмайди.


Ҳа, илгари фоҳишаларга қарши кураш жиноий қидирув ходимлари зиммасига юклатилган эди. Ажабланарли жойи шундаки, фоҳишалик бизда жиноий жавобгарликка тортилмайди. Энди профилактика хизмати бу иш билан шуғулланиши керак. Назаримда, бу ҳам янада қизиқроқ бўлди. Участка инспектори фоҳишаларнинг сараси бўлмиш «Интурист» меҳмонхоналарида хорижлик кишиларга ўз танини валютага сотадиган енгил табиатли аёлларни бир ўзи аниқлаши мумкинми? У мазкур меҳмонхоналарга кира оладими? Москва шаҳар ижроия комитети ички ишлар бош бошқармаси маълумотларига кўра, фоҳишалар сони икки марта қисқарганлиги балки бежиз эмасдир. Ҳозир пойтахтда беш юз нафар фоҳиша ҳисобда туради. Лекин мазкур хизмат раҳбарияти уларнинг сони бунга нисбатан ўн баравар кўплигига ишончи комил. Анчадан бери очиқдан-очиқ фоҳишалик қилишмоқда. Фоҳишалар нима билан шуғулланаётганликларини энди яширмайдилар, балки очиқчасига иш юритадилар. Шу сабабдан ички ишлар органларининг ҳар бир матбуот йиғинида: «Фоҳишаликка очиқдан-очиқ рухсат бериш керакдир», деган савол ҳам эшитилаётганлиги бежиз эмас.

Эҳтимол, ушбу масала кимларгадир экстремистик маънони билдириши мумкиндир. Ижроия комитетлар гўёки командировкага келган кишилар учун уй-жой ижарага берувчи кооперативлар очиб ўзи ҳам сезмаган ҳолда амалда ошкора фоҳишабозликка йўл қўйдилар.

Л. КИСЛИНСКАЯ,
ТАСС мухбири
МОСКВА.

Уста Маҳмуд Усмонов таваллудининг 80 йиллигига

ҒАНИМАТ ДАРҒАЛАР



Маҳмуд Усмоновнинг 80 йиллиги ҳақидаги таклифномани қўлга олгач, у киши билан суҳбатлашгим келди. Чунки ўзбек миллий нақш санъатининг дарғаси ҳам ғанимат туюлди менга. Таклифномадаги адрес бўйича Хайратий кўчасига бордим. Ўйлаганимдек отахоннинг уйларини рақамга қараб эмас, нақшин безагидан таниб олдим. Яхшидан ном қолади дейишарди. Уй пештоқидаги дид билан ишланган нақшларга қараб ҳунарлидан гўзаллик қоларканда, деган фикр ўтди хаёлимдан. Қўнғироқ тугмачасини босдим. Ўрта яшар аёл (келинлари экан) отахонни Халқлар дўстлиги бекатидаги кўп қаватли уйда яшайдилар деди. Телефон қилиб, ҳозир етиб боражагимни айтдим. Тушунтирилган адресга етиб келгунимча, оқшом чўка бошлади. Йўлакчага эндигина етганимда тўқ яшил чакмони ўзига ярашиқлик отахонни учратдим. Бирон юмуш билан кетиб қолаётганидан хавотирда, рўбарў келиб сўрашдим.

— Тўғрисини, айтсам, қизим, хавотир олдим. Ёмонлар кўп, ер яхмалак.

Бу сўзларни худди ўз отамдан эшитгандек севиндим. Безовта қилганим учун узр сўрадим. Лифтдан учинчи қаватга кўтарилдик. Уй бекаси одамшаванда онахон экан. Бизни очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Катта хона деворларидаги ганчдан ишланган нақшлар кўзни олади. Хонада ортиқча жиҳозлар йўқ. Тўр томонда гилам жойномоз буклоғлиқ турибди. Хонтахта атрофидаги кўрпачага ўтирдик. Гапимиз тезда қовушиб кетди.

— Отахон мана саксонга ҳам кирибсиз. Шундай қутлуғ кунда болалигингизни эслаб, ажойиб ҳунарни қандай ўрганганингизни айтиб берсангиз!

— Асли ўтмишни эслаш бир карра олдинга интилиш демакдир. Бизнинг болалигимизни эслаш, э, нимасини айтасиз қизим, ҳозирги кунга шукрона бўлиш, ёш-ялангларнинг бугунги ўзларини тутишлари, юриш-туришлари ҳақида ўйлашдир. 1924 йили эди. Хадра даҳасида Навоий номли мактаб бўларди. Оилада ўн жон эдик. Устимиз кийимга, қорнимиз овқатга ёлчимасди. Отам бойларнинг уйларини гул солиб, нақш ишлаб безардилар. Ўша пайтларда темирчининг ўғли кўпроқ темирчи, косибнинг боласи косиб, дурадгорнинг боласи дурадгор бўларди. Дастурхон устидаги суҳбатларда ота касбини қилмаганнинг қорни тўймайди, деган нақлни катталардан кўп эшитардик. Мен ҳам 6-синфни тугатиб, болалик гаштини сурмай, отам ёнига кирдим. Отам бу ҳунарни бир устага шогирд тушиб ўрганган эканлар. Лекин не машаққат ва заҳмат билан эришганларини ибрат тарзида бизга кўп сўзлаб берардилар.

Дастлаб хонадонлар буюртмаларини бажариб юрдик, кейин болалар уйи ва мактабларда ганч-ўймакорликдан дарс олиб бордим. Санъат музейини таъмирлаш ишида қатнашиб, қўлим яна ҳам ишга келиб қолди. Кейин халқ амалий санъат-музейи биносида ишладик. Унда ўша даврнинг кўплаб қўлигул усталари қатнашишди. Уста Ширин, уста Олимжон, уста Ёқубжон каби манаман деган ҳунармандларнинг ишига укам Саъдулла билан жуда кўп қойил қолардик. Уларнинг ҳар бири меҳнатсевар, ҳалол ва қалби покиза, виждонли кишилар эди. Шунинг учун ишлаган санъатлари ҳозиргача жилва қилади.

— Уруш йилларини қандай эслайсиз! Ушанда ҳам санъат ишлари давом этганми!

— Машъум уруш таъсирини ўтказмай қолмади, албатта. Ўша йили тайёралар ишлаб чиқарадиган 84-завод кўчиб келди. Унинг қурилишида кўп усталар банд бўлдик. Бир ой ўтар-ўтмас Саъдулла фронтга кетди. Сталинград озод этилгач, бир гуруҳ ўзбек усталари командировка қилинди. Улар орасида рўйхатда мен ҳам бор эдим. Отам Бешёғочда Муқимий театри биносини безаётган эди. Хайрлашгани бордим. Шу пайт ишнинг бориши билан танишиш учун Усмон Юсупов келиб қолди. Отам ва устоз Уста Ширин меҳмонга пешвоз чиқдилар. Қайтиб келишгач, мана энди отанг ёнида бирга ишлайверасан, қолдирадиган бўлишди, дедилар. Назаримда театр қурилишини тезлатиш ҳақида кўрсатма берилди чоғи. Эртасигаёқ заводдаги усталар ҳам шу ерда пайдо бўлдилар.

1944 йили уста Усмон Икромов, ёғоч ўймаси устаси Мақсуд Қосимов, укаси Ҳожи Қосимов, ҳамда мени Рассомлар уюшмасига қабул қилишди. Ишлар юришиб кетди. Ишлалар ишлаган нақшлар ҳатто чет эллардаги кўргазмаларда қўйилди. Кўплари мукофот олди. Шулар эвазига халқ маорифи аълочиси унвонини беришди. Кейин Беньков номли рассомчилик билим юртида ўқитувчилик қилдим. Ҳали-ҳали эсласам эзиламан (суҳбатдошим оғир хўрсиниб, яна давом этди.) бир куни директор чақириб қолди. Энди сизнинг ҳунарингизга талаб йўқ, деб ишдан бўшатди. Санъатшунослик институтида ишловчи Булатов менга қараб:

— Наққошлик асли кераксиз ҳунар. Кўрасиз, вақти келиб Навоий театрини ишлаганларни суд қилишади, — деди безбетларча. Бир неча йил ўкиниб юрдим. Яхши ҳамки, санъатни тушунадиган, уни қадрлайдиган одамлар топилди. Улар кўмагида яна ишга берилдим. Бу даврга қадар айрим шогирдларимнинг қўли ҳам анча чиқиб қолди.

— Жумҳуриятимиздаги кошоналар ичида меҳнатингиз сингмагани жуда кам. Шундай бўлса-да, ҳаётингизда из қолдирганларини санаб ўтсангиз!

— Бухородаги «Ситораи — Мохихоса» санаторияси, Навоий театри, Ленин музейи, Министрлар Совети биносидаги мажлислар зали, шаҳар метросининг бир қатор станциялари, Ҳамза театри, Адабиёт музейи... Туркистон ҳарбий округи залини эса хайрия тарзида ишлаганмиз. Яна шу нарса қувонарлики, уларда ўнлаб шогирдларим меҳнати мужассам. Ҳаётим зое кетмаганлигини шундан биламан, қизим.

— Шогирдлар ҳақида гап очдингиз. Сизнинг 80 йиллигингиз улар учун ҳам байрам. Шундай экан, улар ҳақида ҳам тўхталмай иложимиз йўқ.

— Тахмин билан айтсам, 150 дан ортиқ ўймакор усталар тайёрладим. Шу ўринда устозларим отамнинг, уста Ширин, уста Шамсиларнинг ўгитларини айтиб ўтишим лозим. Улар шогирдга ҳам, фарзандга ҳам нечоғлиқ қаттиққўл бўлиш кераклигини уқтиришарди. Шундагина ҳурмат, муносабат сақланиши мумкин дейишарди. Балки шунга амал қилганим сабабли Абдураҳим Умаров, Мўмин Султонов, Ҳаётилла Абдуллаев, Абдураҳмон Султонов, Зиёвиддин Юсупов, Анвар Пўлатов, ўғлим Мирвоҳид каби усталарни тарбиялашга эришдим. Келажакда улар ота-боболаримизнинг бой маданий меросини, айниқса, наққошлик санъатини янада ривожлантириб, яратган гўзаллик обидалари билан халқнинг кўнглини хушнуд этишларига ишонаман.

Ҳали Хоразм, ҳали Бухоро, Самарқанд, шаҳридаги тарихий обидаларни таъмирладик, янги биноларни безадик. Афсуски, ўша усталарнинг кўпларини бугунги ёшлар билишмайди. Шунга ачиниб кетаман. Шаҳримиз кўркини очиб турган Навоий театрини олинг. Ўзбек халқ усталарининг маҳоратини, санъатини намоён этган ўзида. Унинг тарихи ҳақида ёшлардан сўрасангиз, (айрим катталар ҳам) ўнтадан бири зўрға жавоб беради. Биз ота-боболаримиз касб-корини, инсоний удумларини халқимизнинг бой маданий меросини шу зайл йўқотиб келдик, чамамда.

— Отахон педагоглик фаолиятингиз ҳақида ҳам сўзлаб беринг!

— Бу ишни асосан Островский, Ленин номли жумҳурият пионер саройлари тўгаракларда машғулот ўтказиш билан бошладим. Бо…

— Бошқа соҳалардаги каби бу ишда ҳам ўзига хос муаммолар бўлса керак!

— Албатта, ҳаммасини бўлмаса ҳам энг муҳимини айтаман. 75-йилда «Усто» бирлашмасини ташкил қилгандик. Шундан буён уч-тўрт марта жойдан-жойга кўчирилди. Ҳозир Хадрадаги трамвай парки эски биносига жойлашган. Назаримда бу ер ҳам вақтинчага ўхшайди. Усталарга керакли материаллар вақтида берилмайди. Бунга тегишли идоралардан ёрдам берувчи кишиларни топа олмаяпмиз. Яна шу нарсани айтиб ўтишни лозим топаман. «Усто» бирлашмамиз яхши ишлаб турган айни паллада Маданият министрлиги қошида таъмирлаш комиссияси ташкил қилинди. Бундан ташқари кооперативлар бор. Ишни яхши юритиш учун ҳамма қўли гул усталарни бир жойга жамлаш керак. Аравани тўрт тарафга тортган билан, жойидан жилмайди. Бирлашиб, куч билан тортсангиз тез юради. Ўймакорлик санъатимиз ҳозир шунақа аҳволда.

— Ёшларга айтадиган гапингиз борми, отахон!

— Ростини айтсам, уларнинг ҳозирги кундаги хулқи-атворидан, туриш-турмушидан норозиман. Бошқасини қўяверинг-у, ота-она билан, ўқитувчилар билан айтишади кўпинча. Билмадим, бунга балки қайта қуриш, ошкоралик сабабдир. Авваллари болалар мактабдан уйга қадар йўлда учраган катталарга салом бериб ўтарди. Назаримда уларни бўш қўяяпмиз. Устозлар айтгандек, қаттиққўллик тарбияда муҳим омиллардан деб биламан.

Шу ўринда отамнинг яна бир гапи ёдимга тушди. Уларнинг айтишича, фарзанд тарбияли бўлиши учун отаона ҳалол луқма (овқат) билан боқиши керак.

— Суҳбат давомида газетамизни кўп ўқишингиз маълум бўлди. Унга қандай истагингиз бор!

— Мақтаяпти деманг-у кейинги пайтда газетангиз ёшларга хос анча дадил. Халққа манзур бўлиб бораяпти. Ёмонликларни яширмай дангал очиб ташлаяпти. Обрўси жуда ҳам ошди. Бундан кейин ҳам ана шундай ўқишли мақолалар берилса, кўпроқ тарбияга оид мақолалар ёритилсе. Ҳаётни кўрган, билганларнинг суҳбатлари, ўгитлари ёзилса.

— Сизни қутлуғ ёшингиз билан табриклар эканмиз, сиҳат-саломатлик, омонлик тилаб қоламиз.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА.







«Ақл ёшда эмас, бошда»

ЁКИ ФАБРИКА ДАВЛАТНИНГ 1 МИЛЛИОН 600 МИНГ СУМ ҚАРЗИДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Ким нима деса десину, лекин қайта қуриш ғиждувонлик усталарга жуда катта имкон яратди. Ахир улар — халқ истеъмоли моллари фабрикаси Ғиждувонда қайта қуриш шабадасидан ором олган биринчи корхоналардан. Бундан бир ярим йил муқаддам фабрика 1 миллион 600 минг сўмлик қарз ботқоғига ботган эди. Айтишга осон, бу қарздан фориғ бўлишнинг не-не йўлларини қидиришмади, дейсиз.

Фабрикага директор бўлиб Раҳмат Ҳаётович Ҳидоятов келдию, ишлар буткул ўзгарди. Ушанда бу ташкилотдагилар «ақл ёшда эмас, бошда» эканлигини яна бир бор тан олишди. Директор — 30 ёшли йигит фабрикани оёққа турғизди, уни боши берк кўчадан олиб чиқди. Аввало у иқтисодий ҳисоб китобни йўлга қўйди, ўрганди, таҳлил қилди. Тажрибали мутахассислар билан маслаҳатлашди. Корхонадаги барча имкониятларни ишга солди.

Шаҳарда ортиқча ишчи кучи мавжуд. Буни директор ўз вақтида кўра олди. Бундан фойдаланган ҳолда иш юришга аҳд қилди. Натижада, ишчи кучи жалб этилди, ишлаб чиқариш тармоғи кенгайтирилди. Аҳолининг молларга бўлган талабини ўрганиб шунга мос равишда ишлаб чиқаришни олиб боришди. Сифат масаласи биринчи планга чиқди.

Инсон учун кўп нарса керак эмас. Унга эътибор, ғамхўрлик бўлса бўлгани. Бу муҳим қирралар директор фаолиятининг бош планини эгаллади. Инсон омилига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Фабрикада меҳнат қилиш, дам олиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилди.

Иш икки сменада ташкил этилган. Шартнома бўйича ўз уйида маҳсулотлар тикадиганлар сони ошди. Уларнинг иш турлари кенгайтирилди. Фабрикада қандолатчилик, тикувчилик маҳсулотлари ҳамда сопол буюмлар ишлаб чиқариш тобора ривож топмоқда. Шу тариқа зиммадаги қарз камая боряпти. Эрта-индин ундан буткул халос бўлиш мумкин, дейишмоқда корхона иқтисодчилари.

СУРАТЛАРДА: фабрика рассоми Ойгул Самадова; ғиждувонлик таниқли рассом Марат Содиқовнинг ипк кўргазмаси залларида; Ғиждувон курантлари.

Суратчи В. КОВРЕИН. (ЎзТАГ).

Бухоро вилояти.

Тунда қор кўчди

ЧИМКЕНТ, 16 январь. (ТАСС мухбири). Чимкент вилоятида катта қор уюми кўчди. Чимкент қариялари бундай кўчкини ҳеч эслай олмайдилар. Чимкентни Олмаота ва Тошкент билан, айрим ноҳия марказлари билан бирлаштириб турувчи тоғ йўлларидаги транспорт ҳаракати тўхтаб қолди.

Кончиларнинг Олғабос ноҳиясидаги «Бойжонсой» посёлкасида тоғдан тушган кўчки тунда икки қаватли уйнинг бир қисмини босиб қолган. Саккиз киши ҳалок бўлган, қолган аҳоли қутқарилди. Посёлкага яна қор кўчишининг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

— Табиий офат оқибатларига қарши кураш фавқулодда штаби ташкил этилди, — деб хабар берди вилоят ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари К. Тулеметов. — Йўл техникаси колоннаси икки юз километрли трассадан «Бойжонсой» томон йўл олди. Тўрт кундан буён давом этаётган қор бўрони пасайиши биланоқ ана шу ва бошқа аҳоли пунктларига самолёт ва вертолётларда шифокорлар етиб келишади.

Электр таъминоти ва телефон алоқаси тикланмоқда, чорва ҳайдаб кетилган жойларга тракторларда қўшимча озиқ-овқат, ёқилғи, ем-хашак етказиб берилмоқда.

ТВ

19 ЯНВАРЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 Ботаника. Поянинг тузилиши ва унинг ўсиши. 12.00 «Боғлар қўшиғи». Телефильм. 12.30 Ўзбек совет адабиёти. Совет адабиётининг ривожланишида Ҳамид Олимжоннинг тутган ўрни. 13.00 «Нина». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Телефильм. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун концерт. 18.25 «Ижара — кони фойда». Бухоро вилоятида ижара пудрати муносабатларини ривожлантириш ҳақида. 19.00 «Демократия йўлидан». ЎзССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига сайловлар ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Унутилмас сатрлар». Ажзий. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Тил — маданият кўзгуси». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 ЎзССР халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев куйлайди. 23.15 Янгиликлар. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. Премьера. 10.10 Усть-Илимск шаҳри Маданият ва техника саройи «Сибирь» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.40 Ҳужжатли фильмлар: «Дардингни олай». Қизил Крест ва Қизил яримой жамиятлари уюшмасининг иши ҳақида; «Шарқий Сибирь». Киножурнал. 11.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.55 «Инсон институти». 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.00 «Мен қайтаман». Рассом Н. Гушчиннинг тақдири ҳақида ҳужжатли фильм. 16.40 Халқ куйлари. 16.55 «Революция майдони, 2-уй». В. И. Ленин Марказий музейининг янги экспозициялари ҳақида. 17.40 «Қувноқ стартлар». 18.25 «Ҳокимият — Советларга!» (Мцен учрашувлари). Кўрсатувда СССР халқ депутати А. В. Копилова иштирок этади. 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 20.15 Шеърият лаҳзалари. 20.25 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. Премьера. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Бу бўлган... бўлганди». 22.35 «Нигоҳ». 00.05 Концерт.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Автопортрет». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Мусиқа. 7-синф. М. И. Глинка. «Вальс-фантазия». 10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 География. 6-синф. Қуруқликдаги сувлар. 12.05 Инглиз тилида ҳужжатли фильм (Буюк Британия). 13.05 Киноабонемент. «Анор ранги». Бадиий фильм. 14.40 «Хотира». Сергей ва Николай Радченко иштирокида фильм-концерт. 15.00 Такрорий телефильмлар экрани. «Танга». Телевизион бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Сахалин кундалиги». 2-қисм. 18.25 «Топилмалар бюроси». Мультфильм. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Майдон». Спорт программаси. 1-қисм. 19.50 Баскетбол. СССР чемпионати. Эркаклар. «Динамо» (Москва) — «Калев» (Таллинн). 2-тайм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қордаги излар». 20.40 «Майдон». Спорт программаси. 2-қисм. 21.30 «Григ ҳақида афсона». Катталар учун мультфильм. 21.45 Спорт ҳамма учун. 22.00 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. «Менинг ҳаётим». 3-серия. 23.20 Хоккей. СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Москва). В. И. Ленин номли Марказий стадионининг кичик спорт майдонидан кўрсатилади.

Саломатлик посбонлигида

ЗАВОД ШИФОХОНАСИ

ҚЎҚОНДАГИ «Текстильмаш» заводининг юз нафар меҳнатчиси корхона ҳузурида очилган профилакторийда ўз саломатлигини мустаҳкамлаш ва дам олиш имкониятига эга бўлди.

Янги шифохона яхшироқ режалаштирилган уч қаватли бинода жойлашган. Бу ерда икки ўринли палаталар, кенг дам олиш жойлари, катта ошхона, диагностика ва даволаш хоналари бор. Санаторий — профилакторий бальнеология ва физиотерапия бўлимларига эга. Завод ходимлари имтиёзли йўлланмалар олиб, бу ерда ўз саломатликларини тикламоқдалар.

Бу вилоят саноат корхоналаридаги 23-саломатлик цехидир. Уларда ҳар ойда салкам икки минг киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволанмоқда.

ШАҲАРЛИК ЁШЛАР УЧУН

ШАҲРИХОН шаҳрида 150 ўринли кўп ихтисосли болалар касалхонаси комплекси дастлабки беморларни қабул қилди. Бир-бири билан ўзаро боғланган касалхона биносида олтита бўлим, клиника-диагностика ва реанимация марказлари, дорихона, лабораториялар жойлашган.

Даволаш хоналаридан ташқари, бу ерда болалар учун ўйин хоналари, даволаш машқлари ўтказиладиган зал кўзда тутилган. Касалхона комплекси ўзининг алоҳида иситиш системасига, замонавий озиқ-овқат блоки ва ошхонасига эга, бу ерда бошқа барча зарур ёрдамчи бинолар ҳамда мевазор боғ учун мўлжалланган катта жой бор.

Ўтган йили вилоятда жами 830 ўринли бешта янги касалхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

КОМПЬЮТЕР КАСАЛЛИКНИ АНИҚЛАЙДИ

АТИГИ ўн беш минут ичида касалликни аниқ белгилаш ва уни чуқур даволаш юзасидан тавсиялар олиш мумкин — Қўқондаги пулли шифохона ана шундай хизматни таклиф этаяпти. Япониянинг «Отари» фирмаси ишлаб чиқарган касалликни аниқлайдиган компьютер ускунаси туфайли шунга эришилди.

Электроникани махсус тайёргарликдан ўтган шифокор Неъмат Раҳмонов бошқаради. У беморнинг кўз қорачўғига нур юборади ва мониторда инсон танасининг график схемаси пайдо бўлади. Схемадаги ўчиб-ёнаётган нуқталар шифокорни сурункали ёки эндигина пайдо бўлаётган хасталиклардан хабардор қилади.

Беморнинг аҳволини шошилинч таҳлил қилганидан кейин электрон машина шу заҳотиёқ экран орқали тавсия бериб, унда аниқланган касаллик юзасидан қайси мутахассисга мурожаат этиш лозимлигини билдиради.

(ЎзТАГ).

БОЛАЛАР ФОНДИ ПУЛ ИШЛАМОҚДА

В. И. Ленин номли Совет Болалар фондининг Ўзбекистон бўлими ўзи ташкил қилинган куннинг бир йиллигини нишонлади. Жумҳуриятнинг ўн минглаб аҳолиси ўз жамғармаларидан унга пул ўтказди. Саноат корхоналари, хўжаликлар, жамоат ташкилотлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

— Биз ҳар бир сўмни жуда тежаб, пулни фақат энг муҳим муаммоларни ҳал этишгагина сарфлашга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди фонд раисининг биринчи ўринбосари И. Т. Юсупова.

— Жумҳуриятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан махсус илмий программа ишлаб чиқилган. Фонд уни амалга оширишда ёрдам бермоқда. Биз Ўзбекистон ССР Фанлар академияси микробиология институтининг болалар овқатланишини яхшилаш — янги оқсилли ва даволаш маҳсулотлари яратиш масалалари билан шуғулланаётган лабораторияларидан бирини ҳам пул билан таъминлаяпмиз. Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти негизида педиатрия марказини ташкил қилишга фаол ёрдам бераяпмиз. Шу мақсадлар учун фонд ҳозирнинг ўзидаёқ 302 минг сўм пул ўтказди. Бундан ташқари, болалар уйларига ўрнатиш мўлжалланган янги табобат ускуналарини синаб кўриш учун маблағ ўтказдик. Арманистон болаларига, шунингдек Чернобиль авариясидан жабрланган Белоруссия ҳамда Ғарбий Украина болаларига ёрдам фондига пул жўнатилди.

Ўз счётларини тўлдириб туриш учун Болалар фондининг ходимлари хўжалик ҳисобида ишлайдиган чоғроқ корхоналар очишмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ учта ана шундай корхона — «Юкка», «Сиванч» ва «Крок» корхоналари ишлаб турибди. Уларда энг оддий моллар ва ногиронлар учун аравачалар ҳамда қўлтиқтаёқлар ишлаб чиқарилади. Бу йил трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга, болалар учун озиқ-овқатлар тайёрлайдиган иккита кичик кўчма завод ташкил этишга қарор қилинди. Бундан бошқа қизиқарли фикрлар ҳам бор.

(ЎзТАГ мухбири).

«Ёш ленинчи»
МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ВОСМАХОНАСИ
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 2313.
Р — 04510.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.